



Тасвир

2-БЕТ.

“Тун”даги “Таран”

3-БЕТ.

Очиқ эшиклар шаҳри.
Ташмачилар фош этилди.

БУГУНГИ СОНДА:

5-БЕТ.

Алоқалар мустаҳкамланмоқда.

6-БЕТ.

Шак-шубҳа йўқ.
Ҳуқуқ ҳимояси — асосий вазифа.
Текин тешиб чиқмайдими?

7-БЕТ.

“Номзод” (қисса).

8-БЕТ.

Жиззах йўлларида.
Ибодулланинг
саргузаштлари.

Давр тақозо этган ўзгаришлар

МУСТАҚИЛ Ўзбекистонда Жиноят Мажмуасига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Булар орасида, назаримда, жуда долзарб бўлган янгиликлар ҳам борки, ҳуқуқшунос сифатида уларни таъкидлаб ўтишни истардим.

Жиноятчилик ўсган бир шароитда янги қонунда кўп жиноятлар учун жинойи жавобгарлиқнинг кучайтирилгани жуда тўғри бўлди.

Илгари озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп муддати 15 йил, 18 ёшгача бўлган жиноятчилар учун эса 10 йил эди. Энди 18 ёшгача бўлган жиноятчилар 12 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Бир неча жиноятлар учун жазоларни қўшган чоғда Жиноят Мажмуасининг 40- моддасида белгиланган тартибда 20 йилга қадар, балоғатга етмаганларга татбиқан олганда — 12 йилга қадар; судланганлар томонидан жазони тўла ўтагунга қадар янги жиноятлар содир этилган ҳолларда жазоларни қўшиш чоғида (ЖМ 41- моддаси) — 25 йилга қадар, балоғатга етмаганларга татбиқан олганда — 15 йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум этиш мумкин.

Энди авф этишда ўлим ҳукми 25 йилга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилиши мумкин. Жамиятни жиноятчидан узоқ муддатга халос этиш учун бу муддат етарлидир.

Жиноят Мажмуаси қуйидаги мазмундаги янги 171-модда билан тўлдирилган:

икки ва ундан ортиқ кишининг бир ёки бир неча жиноятни содир қилиш мақсадида тузилган доимий уюшмаси уюшган гуруҳ деб эътироф этилади. Шу модданинг иккинчи қисмига кўра, уюшган гуруҳни тузган ёки унга раҳбарлик қилган шахс гуруҳ содир этган барча жиноятлар учун (агар унинг фикри билан қамраб олинган бўлса) жинойи жавобгар бўлади.

Республикаимиз мустақил бўлгани сабабли Жиноят Мажмуасидан айрим моддалар олиб ташланди, ўғирлик, талон-торож, қароқчилик учун жазоларни кўзда тутувчи моддалар анча тахрир қилинди, бу жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилди. Масалан, қароқчилик ва талон-торож учун жиноятчи мол-мулк мусодара қилинган ҳолда 12 йилдан 15 йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Пира олганлик ёки берганлик учун ҳам қаттиқ жазо кўзда тутилган. Савдо қоидаларини бузганлик учун янада қаттиқроқ жавобгарлик жорий этилди.

“Чайқовчилик” тушунчасининг янги таърифи қўшиламан, бу жиноят учун жавобгарлик, айниқса чайқовчиликдаги иштироки учун савдо ходимларининг масъулияти кучайтирилганини қизгин маъқуллайман.

Янги қонунда судьялар, халқ маслаҳатчилари, терговчилар, прокурорлар, милиция ходимлари, халқ дружиначилари хавфсизлигини кафолатлаш кўзда тутилган. Ҳотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва шунга ўхшаш нарсаларни ўғирлаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Бу ўзгаришларни давр тақозо этди. Ишончим комилки, улар мустақил Ўзбекистонимиз фуқароларининг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашга катта ёрдам беради.

К. БЕЛЯКОВ,
ҳуқуқшунос, истеъфодаги ички
хизмат подполковниги.



Шоирлар меҳмон бўлишди

ИИБ клубида санъаткорлар, олимлар, шоирлар, республикада таниқли бўлган кишилар билан учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бундай тадбирлар ички ишлар идоралари ходимларига қизгин иш кунларидан сўнг мароқли дам олиш имконини беради.



Яқинда бўлиб ўтган учрашувга республикаимиздан ташқарида ҳам кенг танилган шоирлардан Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуфлар келишди. Улар йиғилганларга ўзларининг янги шеърларини ўқиб беришди, санъаткорлар эса ана шу шоирларнинг шеърлари асосида яратилган ашулаларни ижро этдилар. Ёрқин ва эсда қоларли бўлиб ўтган

учрашув ички ишлар идоралари ходимларининг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Учрашув охирида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Равшан Ҳайдаров бутун шахсий таркиб номидан азиз меҳмонларга миннатдорчилик билдирди, А. Орипов ва М. Юсуфга эсдалик совғалари топширди.

А. СОДИҚОВ,
ИИБ матбуот марказининг
ҳодими.

Суратларда: учрашув лавҳалари.
Р. ҚУРБОНОВ олган суратлар.



ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

ИЗБОСКАН ТУМАНИ ИИБга Т. Й. ариза билан мурожаат қилди. Унда айтилишича, “ВАЗ-2106” белгили автомашинасини йўлда номаълум шахс тўхтатиб, ундан 500 минг сўм пул талаб қилган. Акс ҳолда машинасини тортиб олишини маълум қилиб, унга бир кун муҳлат беради. ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан товламачи келишилган жойда, кўрсатилган миқдордаги пулни олаётганда қўлга олинди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилаёпти.

ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

САМАРҚАНД ТЕМИР йўл шоҳбекатида гумонсираб ушланган Учқудуқ шаҳар ишчилар таъминоти ишчиси, 1968 йилда туғилган Г. Д.нинг ёнидан 5 килограмм кўкнори топилди. Терговни транспорт ИИБ олиб бораёттир.

МАНБА АНИҚЛАНМОҚДА

ТЕРМИЗ ШАҲРИДА ис-тиқомат қиладиган, муқаддам сулланган Э. Г.нинг уйдан бир дона “Ширас” русумли портловчи модда топилди. Портловчи модда олинган манба аниқланмоқда.

ЗЎРАВОНЛАР УШЛАНДИ

НАРПАЙ ТУМАНИДАГИ “Ғалаба” жамоа ҳўжалигининг бош ҳисобчиси Г. У. ҳўзурига икки номаълум шахс бостириб кириб, уни қўрқитиб Зиравулоқ пахта заводида тегишли ҳужжатга имзо чекиб, муҳрлаб беришни талаб қиладилар. Бош ҳисобчи номаълум шахсларнинг талабларига

итоат этмасдан бошқа илож тополмади.

Бир неча дақиқадан сўнг Г. У. бу ҳақда туман ИИБга маълум қилди. Кўрилган чора-тадбир туфайли зўравонлар аниқланиб, қўлга олинди. Улар Каттақўрғон, Оқтош шаҳарларида истиқомат қиладиган Э. Э ва К. А. лар бўлиб чиқди.

ҚОТИЛ ЭР

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ Қирғули туманида яшаган, 1966 йилда туғилган М. М.нинг жасади уйдан топилди. Суд-тиббийт экспертизасининг ҳулосасига кўра, аёл сувда чўктириб ўлдирилганлиги аниқланди. Ички ишлар бўлими ходимлари, суд-медицина ходимлари синчковлик билан олиб борган қидирув натижасида қотил топилди. У марҳуманинг ёстиқдоши, ҳеч қаерда ишламайдиган Ж.М. бўлиб чиқди. Қотиллик сабаблари аниқланмоқда.

ХОНАДОНДА ҚЎЛБОЛА ТУППОНЧА

ТОШЛОҚ ТУМАНИ ИИБ ходимлари олиб борган тезкор чоралар натижасида, 1958 йилда туғилган А. Г.нинг хонадонидан етгита жанговар ўқи билан қўлбола туппонча топиб олинди. Терговни ИИБ олиб бораёттир.

ҚОТИЛ ҲИБСДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР Чилонзор туманидаги 2-мавзе, 27-уйнинг 17-хонадонидан истиқомат қилган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1953 йилда туғилган В. И.нинг жасади уйдан топилган эди. Суд-тиббийт ҳулосасига кўра, В. И. бошига

етказилган жароҳатдан ҳалок бўлгани аниқланди.

Суриштирув ишлари олиб борилиб, ушбу жиноятни содир этган шахс аниқланди ва ҳибсга олинди. У Чилонзор туманида яшовчи С. К. экан. У терговда марҳум билан бирга уйда спиртли ичимлик ичиб, ўзаро жанжал туфайли жиноятга қўл урганини тан олди.

ҲУШЁРЛИК ОҚИБАТИДА

ҚАРШИ ШАҲАР ИИБ ДАН ходимлари Р. У.га тегишли “ГАЗ-24” белгили К 42 49 НА рақамли автомашинани тўхтатиб, кўздан кечиришганда унинг ичидан бир дона жанговар граната топилди. У. Р.нинг шахсий гаражи тинтув қилинганда, юқорида кўрсатилган гранатадан тўрт дона, 1982 йилда ишлаб чиқарилган 1 дона автомат, 12 калибрли бир дона милтиқ, 4 дона ханжар-пичоқ, икки дона авиа-бомба портлатадиган пилта, 4 дона автомат ўқи ва шунча граната пилтаси топилди. Р. У. қўлга олинди. Терговни ИИБ олиб бораёттир.

НАТИЖАЛИ ТАДБИР

ФАРҒОНА ШАҲАР ИИБ ходимлари навбатдаги оператив тадбирда, 1962 йилда туғилган А. Е.нинг уйдан бир дона бешотар карабин милтиғи, бир дона 16 калибрли ов милтиғи, автоматининг 30 та ўқи ҳамда 80 дона ҳар хил калибрли қуролларнинг ўқлари топилди. Тергов бу қурол ва ўқларнинг А. Е.нинг хонадонига қачон, қайси йўл билан, кимдан олиб келинганини аниқлаб беради.

Мирзараҳим ҚОСИМОВ,
милиция лейтенанти.

"ТУН"ДАГИ "ТАРАН"

Пойтахт Ички ишлар бошқармаси хизматлари ва бўлинмаларининг ходимлари ҳар кун кеч тушиши билан тақсимга тўпланишлари одат тусини олди. Шаҳарда "Тун" тадбири ўтказилади, бунда жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш, жиноятчи унсурларни аниқлаш, ҳуқуқ-тартибот бузилишларининг олдини олиш асосий мақсад ҳисобланади.

ТУН ҚИЗГИН ЎТАДИ

— "Тун" операцияси — бир мақсадга қаратилган тадбирдир, — деди тақсим олди билан суҳбатлашган ИИББ штаби бошлигининг ўринбосари милиция подполковниги Муҳаммаджон Деҳқонов. — Лекин, бугунги кунда, одатдаги ишдан ташқари, ички ишлар идораларининг ходимлари одатий бўлмаган ишни ҳам бажарадилар. Бугунда айрим фуқароларимиз ва қўшни давлатларнинг фуқаролари республикадан нима қилиб бўлсада товар-моддий қийматларни, сабзавот, мева, кўп миқдордаги пулларни олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон чегарасидан кенг миқёсда олиб чиқиб кетилмоқдаки, бугунги "Тун" тадбирининг бир қисми бўлган "Таран" операцияси иш-тирокчиларининг вазифаси талон-торож қилувчилар билан юзма-юз учрашидир. Сўнгги йиллар тажрибаси кўрсатганидек, кўп миқдорда товар ва моддий қийматларни четга олиб чиқувчи жиноятчилар қуролланган ва қаршилиқ кўрсатишга тайёр бўлади. Хуллас, тун қизгин ўтишига шубҳаланмаса бўлади.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

— ЎРТАДАГИЛАРГА қараб текисланг! — Тошкент шаҳар ИИББ жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг бошлиғи, милиция майори Бахтиёр Субанов команда берди ва хизмат ҳамда бўлинмаларнинг тайёрилиги ҳақида ИИББ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Турсунхон Худойбергеновга ахборот берди. Бугунги туннинг асосий вазифалари орасида тергов ва суддан қочиб юрган жиноятчиларни тутиш ҳам борки, бу кишилар айниқса хавфлидир. Шунинг учун ҳамма вақт ҳушёрлиқни қўлдан бой бермаслик даркор.

Бугунги операция ИИБ ташаббуси билан ўтказилмоқда, тақсимда бу ҳақда вазирлик профилактика хизмати бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Ботир Парпиев гапирди. У бўлинмалар командирларининг эътиборини жиноятлар ва ҳуқуқ-тартибот бузилишларининг олдини олиш ички ишлар идоралари фаолиятида асосий ўринни ишғол этишига қаратди, бунда фақат содир

этилган жиноятларни очиш билан чекланиб қолмаслик керак.

Милиция экипажларига норасмий қидиришда бўлган кишиларнинг рўйхатлари, жиноятчилар яшириниши мумкин бўлган жойлар, жазодан қочиб юрган кишиларни топиш мумкин бўлган адреслар кўрсатилган хариталар топширилди.

"ДИКС", "АМУР" ВА БОШҚАЛАР

ВАНДЕЯ бассет-гриффини "Дикс" кўринишидан оддий лайчага ўхшайди. Эътибор билан қарабгина унинг хатти-ҳаракатлари оддий итлардан фарқ қилишини сезиш мумкин. У ўзининг соҳиби — катта инспектор-кинолог милиция лейтенанти Эркин Тиллаевнинг нафақат овозига, балки кўз ташлаш, имо-ишораларига ҳам сезгирлик билан муносабатда бўлади.

— Бу ит гиёҳвандлик моддаларини қидиришга мосланган, — деб тушунтиради Тиллаев, — бундай операцияларда кўп маротаба ёрдами ҳам теккан.

Кичик инспектор-кинолог милиция сержанти Ренат Меликуловнинг "Амур" деб номланувчи Бельгия овчаркасини кўринишдан оқ айиққа ўхшатиш мумкин, у хизмат-қидирув ити ҳисобланади. Инспектор-кинолог милиция катта сержанти Файзулло Мергановнинг куцхаар зотига мансуб "Жек" лақабли немис овчаркаси ҳам гиёҳванд моддаларни топишга ўргатилган. Кичик инспектор-кинолог милиция кичик сержанти Дмитрий Конюшенковнинг Шарқий Европа зотига мансуб "Дик" лақабли овчаркаси эса қидирувчи ит бўлиб, жиноятчиларни тезкорлик билан ушлайди. Ана шу ва бошқа итлар ҳам ўз соҳиблари билан "Таран" операциясига чиқдилар.

ИШДАГИДЕК ИШ

КОМАНДА берилди, милиция экипажлари машиналардан жой олди. Мен милиция капитани Комил Эшимовнинг автомашинасига ўтирдим. Рулни милиция катта сержанти Солихўжа Иброҳимов бошқармоқда. "Жигули" салонига яна бир киши бор.

— Укам Фарҳод, — деб таништирди уни Комил ака. — Мендан хабар олиш учун Жиззах вилоятининг Гагарин шаҳридан келди. Ота-онамни кўришга вақт тополмаслигимдан хафа.

Хизматим қандайлигини билиш учун бу ерга келди.

Бульдозерчи бўлиб ишлайдиган Фарҳод билинар-билинемас кулимсирайди. У аксининг хизматда қанчалик банд бўлишини билиш учун тун бўйи ухламасликка ҳам тайёр.

— Ишимиз ҳамма ишларга ўхшаган, — дейди Комил ака. — Тўғри, сеникидан бир оз мураккаброқ. У рацияни кўтарди.

— "Байкал"! "Мен — 133-инчи". Базага бораяпман!

— Сизни тушундим. Рациядан бошқарув пулти навбатчиси милиция катта сержанти Елена Венкованинг овози янграйди. Тунги операция давомида у навбатчиликни амалга оширади.

Капитан Эшимов ўз бўлимаси жойлашган ерни база деб атайди. Резерв ҳам шу ерда. Сафга тузилган милиционерлар ўз командирларининг буйруғини тинглайдилар.

— Ҳозир кечки овқат. Тунги соат иккигача — дам олинлар. Соат учда — тақсим, тинтувда қатнашамиз.

Милиционерлар командани бажаришга киришдилар, биз эса Эшимов билан йўлга чиқдик. Атрофда сукунат, автомашина салонига эса улкан шаҳарнинг ҳамма бурчакларидан овозлар янграйди. Бир ерда милиционерлар маст безорини ушлаганлар, қаердадир бир кишини дўппослашибди, "Эркин" пости яқинида гиёҳванд моддани кишини ушлаган... Олдиндан айтишим лозимки, бошқа операцияларнинг кўпчилигида бўлганидек, бу тунда ҳам ИИББ навбатчисининг қайд этиш дафтарида "Қотиллик" деб номланувчи биринчи банд очик қолди. Худого шукур!

ШАҲАР УЙҚУДА

ВАҚТ ярим тунга яқинлашиб қолди, кўчалардаги йўловчилар сийраклашди, лекин автотрассалардаги жонланиш тинмайди. Биз етиб келган "Минерал сувлар" ДАН постида машиналар тиқилиб кетган. Ўтаётган автомашиналарни текширишда ИИББ ДАНБ қидирув бўлими бошлиғи милиция подполковниги Равшан Даминов, ДАНБ бошлигининг ўринбосари милиция подполковниги Равшан Одинаев, ИИБ ДАНБ нозири Нуриддин Эгамбердиевлар қатнашмоқда эди.

ДАН нозири милиция сержанти Ўткир Отабоев ва милиция лейтенанти Жаббор Бобоев саволимизга ҳамма ишлар жойида деб жавоб беришди. Ҳозирча постда ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса юз бергани йўқ.

— Икки ҳафтача олдин, — деб эслашади йигитлар, — ичида жуда семиз йўловчи ўтирган машинани тўхтатдик. Унинг машинадан чиқишини сўрадик, тинтиб кўрдик. Маълум

бўлишча, белидаги камарига пачка-пачка пулларни боғлаб қўйган экан. Уч миллион сўмни мусодара қилдик. "Миллионер"ни пуллари билан бирга Собир Раҳимов тумани ИИБга жўнатдик.

ДАН постининг кузатув пунктидан атроф яхши кўринади. Уйларнинг кўшларида чироқ ўчган, шаҳар уйқуда. Постнинг ўзида эса прожекторлар ёруғи кундузни эслатади. ИИББ ДАНБ алоҳида ротаси командири милиция подполковниги Комил Матчонов қайд этиш дафтарини очади:

— Кеча "Эркин" постида йўл-



патруль хизматининг катта нозири милиция катта лейтенанти Қаҳрамон Солиев ва шу хизмат нозири милиция старшинаси Собиржон Ёрқулов "Жигули" машинасини тўхтатишган. Ундан 10 миллион 700 минг 624 сўм топишган. Бу пулни ушлаганлар Жиззахдан республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетаётган эканлар.

— Нима учун пул олиб кетишга этибди?

— Кимдир уни валютага алмаштирибди, кимдир амалга оширилган битим учун ҳақини тўлайди. Бу саволга терговгина аниқ жавоб бера олади.

Абдусаттор Турбонов номли ДАН постида йўл-патруль хизмати катта нозири милиция катта лейтенанти Раҳмонберди Абдурахмонов ва шу хизмат нозири милиция сержанти Бахтиёр Рустамов А. М. бошқараётган автомашинани тўхтатдилар. Машинадан эса гиёҳвандлик моддалари топилиди... Одатда ана шу ғайриқонуний сафарларнинг ҳаммаси тунда амалга оширилади, шунинг учун ҳам республикадан ташқарига олиб чиқадиған йўлларда осойишталик йўқ.

«ҲАММА ҚАБУЛ УЧУН ИШЛАСИНИ!»

ТУН уйқусига чўмган шаҳарни айланарканмиз, бошқарув пултига ҳам кирдик. Елена Венкова бирдангина бир неча кўнгиракча жавоб бермоқда. Ҳозирча ҳеч

қандай фавқулодда ҳодиса юз бермаган. Бирдан у тугмачани босади.

— Ҳамма постлар диққатига! Беш дақиқа ҳамма қабул учун ишласин. Аэропортдан Тезиков бозори томон оч жигарранг тусли ВА3-2109 машинаси бормоқда. Тўхташдан бўйин тортаяпти. Тўхтатганда ҳужжатини диққат билан текширинг.

Бирорта ҳам ҳодиса ИИББ бошқарув пултидан четлаб ўтмайди. Шаҳарда юз бераётган барча ҳодисалар бу ерда қайд этилади ва пойтахт-ички ишлар идоралари ходимларининг хатти-ҳаракатлари мувофиқлаштирилади. "Ҳамма қабул учун ишласин!" буйруғи патруль экипажларининг салонларида тез-тез янграб туради. Тартиб бузувчи узоққа қочиб қутулмайди. Чунки унинг автомашинаси пайдо бўлиши мумкин бўлган кўчаларнинг ҳаммаси аллақачон тўсиб қўйилган.

ҲАЛИ ТОНГ ОТМАГАН БЎЛСА-ДА...

ТУН ярмидан ошган бўлса-да, тонг отишига ҳали узоқ. Экипаж командирлари навбатдаги тақсимга тўпланишди. "Таран" операциясининг энг масъулиятли қисми бошланди. Комил ака ўз кишиларини патруль машиналарига тақсимлаб чиқди. Милиционерларга тергов ва суддан қочиб юрган жиноятчиларни ушлаш, уйларда тинтув ўтказиш вазифасини яна бир қарра баён қилди. Тинтув қилинадиган манзилгоҳлар рўйхати конвертларда, конвертлар эса экипаж командирларида. Тақсимдан сўнг пакетлар йўлда очилиши керак.

... "Таран" операциясининг қалтис, гоётада қизгин қисми ҳақида ҳикоя қилишнинг пайти келди. Кўрсатилган манзилгоҳларнинг кўпчилигида жиноятчилар жон-жаҳдлари билан қаршилиқ кўрсатдилар, баъзилари чала уйқусида осонгина қўлга олиндилар. Ўқсочар қуроллар, ўқ-дори, гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинди. "Таран" операциясида фаол қатнашган кишилар — взвод командири милиция лейтенанти Шавкат Холматов, милиция катта сержанти Абдуваҳоб Зокиров, милиция старшинаси Валерий Татариновлар бор. Пойтахт ички ишлар идораларининг барча ходимлари бир ёқадан бош чиқариб, пухта ишладилар, бунинг натижасида Тошкент аҳолисининг кўпчилиги учун бу тун ҳам мутлақо осойишта ўтди.

— Чарчамадингми? — эрталаб ИИББ биносига етиб келганимизда Комил ака укасидан сўради.

Фарҳод жавоб ўрнига сукут қилди. Шаҳар узра қуёш кўтарила бошлади. Тун ўрнини кун эгаллади.

С. МИЛУШЕВ.
"Таран"

Суратларда: операциядан лавҳалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



ТОШКЕНТДА бир кеча-кундузда содир этилган жиноятлар ва юз берган ҳодисаларнинг тезкор маълумотномасини олиб қарасангиз, хонадон ўғирликлари жуда кенг тарқалган жиноят тури эканлиги равшан бўлади — шаҳардаги ўғирликларнинг ҳар бештадан бири хонадон ўғирликларидир.

Келинг, назарий фикрлар ва ҳисоб-китоб таҳлилини бир четга қўйлик. Бунинг устига, қанчалик тўғри бўлишидан қатъи назар, соф касбий далиллар жиноят муаммоларидан узоқ бўлган газетхонларда акс садо уйғотмайди, шунинг учун хонадон ўғирликлари масаласига иложи борица, шахарлик оддий фуқаро кўзи билан қарашга уриниб кўрайлик.

Тошкент ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги У. Иброҳимов билан шу кунни рўйхатдан

орасига қадалиб қоларди. Қулфлар ҳам ҳеч вақога арзимайди. Биринчидан, улар узунасига бир-бирига жуда яқин қилиб ўрнатилган, бу эса эшикни ва деворга ёпишган рейкани заифлаштирган, холос. Шунча миқдордаги қулф жиноятчининг вазифасини енгиллаштирган — илма-тешик бўлиб кетган, ўз вазифасини бажармаган эшик кесакисидан дарз кетган. Иккинчидан, қулфлар “инглизча”. Эҳтимол, олис Англияда улар уйлари ҳимоя қилар, лекин бу қулфлар ўзимизда тайёрлангани учун фақат софдил кишилардан “ҳимоя” қилади.

Усмон Жақупович шундай деркан, ўз калитларини чўнтагидан олди. Иккита калит қулфларга бемалол тушди.

— Қисқаси, ўн-ўн бешта ана шундай “инглизча” калитим бўлганида, улардан бири албатта тушарди. Хонадон биринчи қаватда жойлашган, ердан

Милиция нарядининг жиноят юз берган жойдаги одатдаги иши. Жавонлар ланг очик, буюмлар пала-партиш ётибди, фотограф суратга олмоқда, жиноятчиларнинг бармоқ излари қидирилмоқда, хонадон соҳиблари довлараб туришибди...

Акмал Икромов туманида ҳам худди шундай манзарани кўрган эдим. Бир ҳафта аввал эди. Шунга ўхшаш тўрт қаватли уй, монтировка ёрдамида синдирилган эшик, чақирилмаган меҳмонларнинг улар учун одатий ва сўзининг айнан маъносига оғанди азиз бўлган буюмлар оламга бостириб кириши. Бир нарсани таъкидлаш керак: ўша хонадондан ҳеч нарса йўқолмаган. Ўғирланган нарсаларни эндигина ўзининг сизимдор халталарига жойлаётган ўғри шу заҳоти қўлга олинди. Бунинг сабаби оддийгина: Акмал Икромов туманидаги хонадонни қўриқлаш мар-казлаштирилган қўриқлаш пултига (МҚП)

ҳеч ким тозалаб қўймайдиган зинапоялар, кўчада эса ҳамма ифлос қилиб ташлаган давлат йўлчалар...

Ҳамма нарса давлатники, яъни аниқ эгасиз бўлгани сабабли муқаррар равишда эгасизлик кайфияти тугилди, бу ҳол пешона тери тўкиб олинган шахсий буюмларга ҳам тарқалди.

Қиймати миллионлаб сўм турадиган хонадонлар ва машиналарнинг эгалари ўз мол-мулкни ўғирлардан ҳимоя қилиш учун маблағ сарфлашни истамайдилар. Нима ҳолати бор, давлат милицияси бор, ахир.

Энди яна тежамкорлик масаласига қайтсак. Ўғирлик қилган жойда кўргазмаларини ҳужжатлаштириш учун ўғри жиноят жойига олиб келинадиган кун узоқ эмас. Сўнг одил суд мажлиси бўлиб, чақирилмаган меҳмон ўз жазосини олади, албатта. Ўғирланган буюмлар масаласи нима бўлади? 700-800 минг сўм кичик пул эмас, ким унинг ўрнини қоплайди? Ҳеч ким. Агар ўғри жиноят қилган жойда қўлга туширилмаса, у ўғирланган нарсаларни иложи борица тезроқ сотиб юборишга тиришади. Хонадон ўғирлари ҳаёшаматли чорбоғларда яшаб, серхашам машиналарда сайр қилмайдилар, қўлга тушган чоғларида улардан бирор нарсани топиш мушкул — ҳамма нарса жой-жойини топиб кетган, дўст-оғайниларга улашиб бўлинган. Фуқаролик даъвоси тартибда бир умрга қўлдан кетган мол-мулк қийматини ҳукм қилингандан ундиринг (маҳкумнинг ойлик маоши 20 фоизи миқдориди) ва ёвузлик жазолангани, одил суд тантана қилгани ҳусусидаги фикр билан ўзингизни овутинг.

Мақолани тугатаётганимда Сағбон кўчасидаги уйлاردан бирига қароқчиларча босқин қилингани ҳақидаги хабар келиб қолди.

Нотаниш беш киши хонадон соҳибларини боғлаб, пичоқ ўқталиб, уларнинг беш миллион сўм нақд пули ва бир ярим минг АҚШ долларини олиб кетганлар.

Кечга яқин жиноят-қидирув ходимлари улардан иккитасини тутишга муваффақ бўлганлар. Ҳар бирининг ёнида бир миллиондан “улуш” пули чиққан. Қолган учтаси ҳозирча қочиб юрибди, улар ушлангунча кўп пулни сарфлаб тугатишса керак.

Жиноятчилар мустақкам пулат эшикдан қандай кираолганликлари ҳусусидаги саволимга Собир Раҳимов туман ИИББ жиноят-қидирув бўлими бошлиғи, милиция капитани Ш. Рихсиев таажжубланиб, шундай деб жавоб берди: “Эшик очик бўлган. Бу ерда кундуз кун ҳеч ким эшигини бекитиб қўймайди. Қанча гапирганимиз билан фойдасиз. Мана шу ерда, иккита уй нарида ярим йил олдин бир кишини ўлдириб, хонадонини талашган. Ҳеч кимга сабоқ бўлмади. Фақат участка вакили бўлгани учун гапиради-да, вазифаси шунақа деб ўйлашади”.

В. ГОРР,
милиция майори

Суратда: ўғри тунда ошхонанинг панжарасиз деразасидан уйга кирган.

И. ГАМБУРГСКИЙ олган сурат.



Ташмачилар фош этилди

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз натижаларини бермоқда. Мамлакатимиздан ташқарига товар-моддий бойликларни ташиб кетиш ҳолларига чек қўйиш учун ички ишлар ходимлари ўз постларида куну тун сергак туриб, кўплаб қонунбузарликларнинг олдини олмақдалар.

Яқинда қашқадарёлик Эшбоев умумий қиймати 339 минг 500 сўмлик 700 шиша “Столичная” ароғини машинада Туркменистон Республикасига олиб кетаётганида қўлга олинди. Маълум бўлишича, у бу ароқларни Қашаидаги “Навбахор” дўкони мудири Аминовдан ҳар шишасини 630 сўмдан сотиб олган экан. Аминов бу жиний тиллашув орқали 102 минг сўм даромад кўрмоқчи бўлганди. Бироқ уйдаги гап кўчага тўғри келавермайди, деганларидек, қонун билан ҳисоб-китоб қилмаслик Эшбоевга роса қимматга тушадиган бўлди. Текширувчилар унинг хонадонини кўздан кечиришганда миқдор жиҳатдан бундан бир неча марта кўп — яъни 2 миллион 766 минг сўмлик 9200 шиша ароқ-вино маҳсулотлари яшириб қўйилганини аниқладилар.

Шунингдек, Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидан Новосибирск шаҳрига йўл олган андижонлик Тўхтаев, Муродов ва Раҳматуллаевлар ҳам милиция ходимларининг эътиборини тортиди. Бу иккитасиди бугунгилар “КамАЗ” белгили юк автомашинасида кам эмас, кўп эмас — 1 миллион 100 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетаётган эканлар.

Бухоро вилоятининг “Ёмонжар” ДАН постида ҳам давлат мулкни талон-торож қилмоқчи бўлган шахс ушланди. У Чимкентдаги “Эльбрус” кичик корхонасининг экспедитори бўлиб, Ашгабат шаҳрига 2 миллион сўмлик 8 тонна полиэтилен пленкасини олиб ўтмоқчи бўлган. Бу ишлар бўйича тўпланган материаллар чора кўриш учун давлат божхона хизматига юборилди.

Жиззах вилоятидан олдинмакетин Иркутск шаҳрига йўл олган иккита “КамАЗ” юк автомашиналари Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан тўхтатилди. Бу машиналардан бирига 4,5 миллион сўмлик 6 минг шиша шампан виноси, иккинчисига эса умумий миқдори 350 минг сўмлик асал ортилган экан.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги Агрокоммунал-қурилиш бирлашмасига қарашли 16-дўкон мудири Саломов эгаллаб турган мансабини суниестеъмол қилиб, савдодан тушган пулларни шахсий мақсади йўлида сарфлаган. Саломов эгаллаб турган иш жойида 1992 йилнинг январь ойидан бери ҳаммаси бўлиб 2 миллион 374 минг сўм давлат пулини ўзлаштириб юборган. Унинг уйи текширилганда 150 минг сўм пул топилиди.

Биз юқорида ички ишлар ходимлари томонидан иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши олиб борилаётган иш натижаларидан айримлари ҳақида сўз юритдик, холос. Бироқ, кенг қўламли бу тадбирлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳали юртимиз тузини еб, тузлигига тупурмоқчи бўлганлар талайгина. Республикаимиз ички ишлар идоралари ходимлари эса бундай нонкўрларга қарши шафқатсиз курашни давом эттираведилар.

А. ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР ШАҲРИ

Хонадон ўғирлари тўла асос билан Тошкентни шундай деб аташлари мумкин

ўтказиладиган дастлабки хонадон ўғирлигига боришни келишиб, ИИББ бўйича тезкор навбатчидан “02” бўйича маълумот тушиши билан хабар қилишни илтимос қилдим.

— Хоҳлаганингизча ўғирликларни топиб беришим мумкин, — деб ух тортиди тезкор навбатчи Виталий Иванов. — Бир сменада 5-6 маротаба хонадон ўғирлиги бўлиши одат тусини олган. Камида иккита хонадонга аллақачон ўғри тушган бўлса керак, энди ҳамма нарса хонадон соҳибларининг қайтишига боғлиқ. Дарҳол бизга қўнғироқ қилишади.

Бир соат ҳам ўтмаган эди, телефон жиринглаб қолди. Василий хизмат бурчини бажараркан, бизга мурожаат қилди:

— Мирзо Улуғбек тумани, Високовольте мавзеси, уй № ..., хонадон... — эшикдан киришган... Туман ИИБ наряди йўлга чиққан, шопилмасангиз бўлмайди.

Йигирма дақиқадан сўнг подполковник Иброҳимов билан ўғирлик юз берган хонадонга етиб келдик. Мол-мулкка доир барча жиноятлар билан шуғулланувчи шаҳар жиноят-қидирув бошқармаси бошлигининг ўринбосари талон-торож ёки босқин ҳақида хабар келгандагина воқеа юз берган жойга шахсан ўзи боради. Хонадон ўғирликлари билан эса ҳудудий идораларнинг нарядлари шуғулланади. Шунинг учун оддий ўғирликни текширгани шахсан юқори лавозимли бошлиқнинг келиши бу ерга йиғилган терговчи, жиноят-қидирув ходими ва экспертни аввалига таажжублантирди. Лекин бизни бу ҳолда ким ўғирликка тушгани эмас, балки бегона киши қандай қилиб хонадонга киргани қизиқтирди.

Наряд аъзолари ва азият чеккан хонадон соҳиблари билан сўзлашиб бўлгач, Усмон Жақупович менга эшик зинапояси олдиға чиқишни таклиф қилди.

— Буни хонадон ўғирлигининг классик намунаси дейиш мумкин. Тошкент жадал равишда қурилган 70-йилларга оид бир қилидаги тўрт қаватли уйлاردан бири. Эшикка дермантин қопланган, “кўз” ўрнатилган, учта қулфи бор. Соҳиблар хонадон эшигининг конструкциясини бошқа ҳеч қандай тақомиллаштирмаганлар. Эшикнинг қўпорилганига қараганда, монтировкадан ёки шунга ўхшаш бошқа асбобдан фойдаланилган. Эшик ошиқ-мошиқларини қарама-қарши томонга кўчириб, эшикни ичкарига эмас, балки ташқарига очиладиган қилинса, эшикни бузиб бўлмасди. Шундай қилинганда ён девор жиноятчига монтировкадан фойдаланиш имконини бермасди — у эшик

деразачага бўлган масофа икки метрдан ошмайди, пойдевори чиқиш учун қўлай, ёнма-ён бақувват дарахт ўсиб турибди. Хонадон соҳиблари икки хона ва ошхонанинг кўчага қараган деразаларига панжара қилиб, икки метрли ойнаванд балконни шундайлигича қолдирганликлари ажаблантиради. Айтмоқчи, хонадон соҳибларининг ўғли биринчи бўлиб уйга келди, лекин ўз калити билан қулфни оча олмади — бу тушунарли, ўғирлар қулфни ишдан чиқариб кетишган. Йигит хонадонга балкондан кирди, роми қийшайгани учун деразалардан бири умуман ёпилмайдиган бўлиб қолган. Ҳўш, хонадонда яшовчиларнинг ўзи деразадан кира олса, бегона кишининг шундай қилишига нима халал бера олади?

Шахтани қаранг. Нафақат ўсмир, балки басавлат эркак ҳам ундан ўта олади. Шахта билан ҳожатхонани ажратиб турган юпқа фанер эшикни тўсиқ деб ҳам бўлмайди. Бир нарсани аниқ айта оламан — бу уй ўз аҳлини ва уларнинг мол-мулкни совуқ, жазирама, ёмғир ва шамолдангина ҳимоя қила олади, бошқасига қодир эмас.

Энди озгина мулоҳаза қилиб кўрайлик. Қулфларнинг ўрнини алмаштириш, темир учбурчаклар ўрнатиш, эшик кесакисини металл планкалар билан мустаҳкамлаш учун анча маблағ кетади. Буларнинг ҳаммаси, тўғри, эшикни бузишнинг олдини ололмайди, лекин “малакаси” паст ўғри — улар кўпчиликни ташкил этади — бундай эшикни буза олмайдилар. Темир эшикни ўрнатиш учун 15-20 минг сўм керак, бу, албатта, катта маблағ, лекин кафолати ҳам улкан даражада: тўғри ўрнатилган металл конструкцияни фақат динамит билан портлатиб бузиш мумкин.

Темир эшик ўрнатиш учун вақтингиз ҳам, маблағингиз ҳам йўқ дейлик. Телефонингиз бор экан, нима учун туман ИИББ қошидаги қўриқлаш бўлими билан шартнома тузмайсиз?

Энди ана шу чиқимларни ўғирликдан кўрилган бевосита зарар билан таққослаб кўрайлик. Уй бекасининг айтишича, олтин соат, заргарлик буюмлари, бир неча комплект янги кийим, плейер ўғирланган. Ҳозирги нархларда бу 700-800 минг сўмга етади, лекин гап фақат пулда эмас, ҳозирги пайтда ана шундай буюмларни топиш ҳам мушкул. Бўлғуси чиқимларни ҳақиқатда кўрилган зарарлар билан таққослаб кўринг... Дарвоқе, хонадон соҳибларининг омади келган: жиноятчилар қимматбаҳо радиотехника, биллур, идиш-товоқ, бошқа қўпол нарсаларни олмаганлар.

топирилган эди. Воқеа юз берган жойни қараб чиққандан сўнг хонадон соҳиб мол-мулкнинг ҳаммаси жой-жойидалиги ҳусусидаги ҳужжатга имзо чекди, холос. Унинг айтишича, шартнома бундан икки йил олдин тузилган, квартирани қўриқлаш учун ҳақни хотини тўларкан, қанча тўлашини хонадон соҳиб билмайди ҳам, лекин айтишича, уй-рўзгор ишида бу нарсаларнинг таъсири сезилмас экан.

Энди асосий нарсаларга келсак. Ўйламангки, марказлаштирилган қўриқлаш пултилари яна бир марта реклама қилинган деб. Милиция хонадонларни қўриқлашдан фақат зарар кўриб келмоқда — нархлар ошиб кетганидан сўнг ҳам чиқимлар сигналзацияни ўрнатиш, махсус ускунани монтаж қилиш, транспорт, ёқилғи ва қўлга олиш гуруҳлари маоши учун кетган харажатларнинг ўрнини қопламайди. Жиноятнинг олдини олиш мумкинлиги ҳақида сўз борганда молия масалалари милиция учун иккинчи ўринга ўтади, гарчи сизнинг мол-мулкнингиз сақланиши милиция бюджети томонидан кафолатлансада, яшириб ўтирмаймиз, бу ҳол МҚП-ларнинг аниқ ишлашини жуда ҳам рағбатлантиради.

Гарчи мол-мулкнингизни сақлаб қолишнинг энг ишончли усули бўлсада, гап фақат пултларга боғлиқ эмас. Ҳамма нарса хонадон соҳибларининг ўз мол-мулкни сақлаб қолиш хоҳишига боғлиқ.

Омма онгида ўн йиллар давомида тарбиялаб келинган катта ва кичик ишларда давлатнинг эгаллиги ҳисси одатланмаган бозор иқтисодиётига киришга жуда ҳам халақит бермоқда.

Кўп йиллар давомида навбатда туриб давлатдан бепул олинган уй-жойнинг кириш эшиги номига ўрнатилган, шипи пастак. Жўмрак ва бачоклардан куну тун оқиб ётган давлат суви, уйни иситиш учун платада ёқиб қўйилган газ,

ДУШАНБА

16 АВГУСТ
ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.00 "Болалигим — гулбаҳор". Болалар учун концерт. 18.40 "Само сари йўл". Телефильм. 18.55 "Назорат ойнаси". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 "Суллола". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё мусикали драма театри артистлари Раъно Юнусова ва Нажмиддин Уруновлар концерти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 "Ислохат ҳақида суҳбатлар". 21.45 "Санъат усталари". Халқ артисти Шуккур Бурҳонов. 22.45 "Аждаҳо ови". Бадий фильм. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 "Ассалом алайкум" (такрор.). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Қурилиш: тажриба ва муаммолар". 20.30 "Саломатлик — туман бойлик". 21.10 "Ўзбекистон — қадрдон юртим" (рус тилида). 21.50 "Хонадон ва унинг соҳиби". Бадий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Профилатика муносабати билан душанба, 16 август кунини "Орбита IV" кўрсатувлари соат 15.20 дан бошлаб намоиш этилади.

"ОРБИТА IV"

15.20 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.50 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 20-кўрсатув. 16.05 "Янги номлар". 16.20 "Иқболи қулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Муслиқ жоллар". 17.40 "Гол". 18.10 "Аср сирлари" 3-кўрсатув. 18.40 "Беш қиз Парижда" Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 19.40 Хайрли тун кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Спорт уик-энди". 20.40 Енгил атлетик. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади.

"Янги студия" таништилади: 21.45 "Мен". 21.50 "Монтаж". "ДДТ" гуруҳининг концерти. 23.55 "Мегамикс". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Тонгги концерт. 8.15 Мутлақо махфий. 9.15 Хонаки экран. "Кўз илғамас йўлларда". Бадий фильм. 10.25 Мульт-пульт. 10.35 Кечки салон саҳифаларида. 12.05 "Хали англанмаган кинот". 12.35 "Деҳқонларга таалуқли масала". 13.00 Кундузги сеанс. "Транссибир экспресси". Бадий фильм. 14.30 "Телематн". 14.35 "Американинг ёввойи табияти". Кўп серияли телефильм премьераси. 15.05 Янгилар. 15.20 Трансросэфир. "Акс этиш". 16.05 "Россиянинг олтин қазувчилари".

17.00 — 19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.15 Душанба кунини детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Қиз йўқолди". Бадий фильм. "Криминал ҳўқодлар" туркумидан. 20.15 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Қутқариш хизмати 911". 22.30 "XX аср кадрда ва кадр ортида". Васний Шукшин. 23.35 "Формула-1" классда автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Венгриядан кўрсатилади.

СЕШАНБА

17 АВГУСТ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Халқ ижодиети". 7.50 "Инжиқ малика". Мультфильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Шифобахш

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

ўсимликлар атрофимизда". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Ҳаёт учун хавфли". Бадий фильм. 10.30 Болалар учун. "Севинч".

17.45 Кўрсатувлар тартиби. 17.50 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.00 Футбол. "Пахтакор" — "Витесс" (Голландия). Халқаро ўртоқлик учрашуви. "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (18.45) — "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.00 Ёлонлар. 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Дирижёр ҳўқа қилади". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ўзбекистон Республикасининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Андижон вилояти. 22.35 "Олтин маъбуда". Бадий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Ёз билан хайрлашув". Манзарали фильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Табият ва биз". Кинопрограмма. 20.50 "Алоқалар ва шартномалар". 21.30 Ёлонлар. 21.35 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 8.20, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.25 "Қувноқ нотачалар". 8.45 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Инсон ва қонун". 10.00 "Сариқ дарё". Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 6-серия. 11.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс 11.20 "Петров ва Васечкинларнинг ажойиб ва ғаройиб таътиллари". Телевизион бадий фильм. 1-серия. 12.25 "Офицерлар шаҳарчаси". Телефильм премьераси ("Дальтефильм"). 12.55 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармон кишилар хабарномаси". 14.40 "Адам Смит бойлиги дунеси". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.40 Болалар телевидениеси уюшмаси "Баикалда бир кун. Улан-Уде" кўрсатувини таништилади. 16.05 Индонезия рақслари. "Садупи" фольклор рақс ансамбли ижро этади. 16.35 "Даврлараро". Телефильм премьераси (Ростов-дон). 15.45 "Яна бир бор доридармонлар ҳақида". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Дунё томонлари" кўрсатувини таништилади. 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Мулкдор алифбоси". 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Рус балети юлдузлари". Кўп серияли телевизион муслиқ фильм премьераси. 8-фильм. 21.30 "Пепси стилидаги мусиқа. Жексонлар Америкача орау". Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 22.25 "Рус живописи. XX аср. Расмлардаги алифбо". Телефильм. 23.00 Янгилар. 23.40 "Мен сизга қўшиқ кўйлаб бераман". О. Митяев қўшиқлари. 00.10 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Россиянинг олтин қазувчилари".

11.00 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади. 12.40 "Деҳқонларга таалуқли масала". 13.05 Кундузги сеанс. "Мени бахтли келажак сари чорла". Бадий фильм. 14.40 Россияда бизнес. 15.10 Янгилар. 15.25 "Рост" студияси. "Мени ўзингга тенг бил". 15.55 Трансросэфир. "Бир куннинг кўзгуси" (Ставрополь шаҳри) 16.40 "Муслиқий имтиҳон" таништилади...

17.00 — 19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.15 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 206-серия. 20.05 Аз'есмь. "Авлодлар портрети".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 "Асил ҳўлича". 22.25 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади. 23.10 Буржлар туркумидан.

ЧОРШАНБА

18 АВГУСТ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Ёшлар кўйлаганда". 7.50 "Кел, дўстлашайлик". Мультфильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Қўқонди Латиф ёдгорликлари". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз". 9.50 "Болалар меҳмонхонаси". Барот Исроил. 10.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Қизлар давраси". 18.55 "Пахтакорларнинг долзарб вазифалари". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 "Заргар". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Мустақиллик мушоираси". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Хоразм вилояти. 22.35 Замонавий ўзбек халқ қўшиқларининг "Анор" телевизион кўрик-танлови. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 Фан ҳақида суҳбатлар. 19.05 "Спринт". 19.30 Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Соғломлаштириш масканларида". Ўзбекистон телевидениеси, вилоят касаба уюшмаси кенгаши ҳамда "Тошкент ҳақиқати" газетаси билан ҳамкорликдаги рейди. 20.40 Дам олиш соатларида. 20.55 Ҳужжатли кино саҳифаларидан. 21.55 "Ибн Сино". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.50 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультфильмлар. 8.45 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.35 "Савдо кўприги". 10.05 "Сариқ дарё". Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 7-серия. 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс 11.20 "Петров ва Васечкинларнинг ажойиб ва ғаройиб таътиллари". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 12.30 "Узоқ яшаймиз". Телефильм премьераси (Иркутск). 13.00 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий

фильм. 5-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.40 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 21-кўрсатув. 15.55 С. Рахманинов. Паганини мавзуларига ёзилган рапсодия. Россия Давлат симфоник оркестри ижро этади. 16.20 "Парвоздаги уй". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Таниш нотанишлар" кўрсатувини таништилади. 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Миниатюра". 19.00 "Севги тарихи". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади. 21.45 "93-йил авлоди". Москва халқаро муслиқ фестивали. 23.15 Янгилар. 23.55 "Катта сайр". 00.35 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 5-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Христианлар учун кўрсатув. 8.30 "Параллеллар". 8.45 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади. 10.25 "Асил ҳўлича". 11.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 206-серия. 12.10 Ишдан бўш пайтингизда. "Иш устасидан кўрқад". 12.25 Мульт-пульт. 12.35 "Деҳқонларга таалуқли масала". 13.00 "Телематн". 13.05 Кундузги сеанс. "Изқувар". Бадий фильм. 14.35 "Мансаб алифбоси". 14.50 "Сигнал". 15.05 Янгилар. 15.20 Мульт-пульт. 15.35 "Фортуна". Александр Малинин кўйлайди. 16.25 "Уй қуриш биз учун иш бўлибдими?"

17.00 — 19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.15 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 207-серия. 20.05 "Нота бене" студияси.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Ксюша ҳўзурнда". 22.00 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 22.35 Криминал хабарлар экрани. 22.45 "Сафсаталар". 23.15 "Осойишталик № 9".

ПАЙШАНБА

19 АВГУСТ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Классик ашулар. 7.50 "Ялангликдаги хазина". Мультфильм. 8.00 "Қувноқ болалар". 8.20 "Бухоро қоракўли". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 "Ёшлик" студияси. Тежамакорлик сирлари. 9.50 "Оққўнғир кишилар". Бадий фильм. 11.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 17.45 Кўрсатувлар тартиби. 17.50 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.00 Футбол. Ўзбекистон терма жамоаси — "Витесс" (Голландия). Халқаро ўртоқлик учрашуви. "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (18.45) "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.00 Ёлонлар. 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 Тургун Алиматов ижро этади. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Жиноят жазосиз қолмайди". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти. 22.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Фарғона вилояти. 23.25 "Витесс" (Голландия) футбол жамоаси билан давра суҳбати. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 Болалар учун. "Табассум".

19.05 "Шарқ лирикаси". Деҳлавий. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Балахин жоллари". Телефильм. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Тошкент оқшомлари". 21.35 "Пульс". Хабарлар. 21.50 Ёлонлар. 21.55 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультфильм. 8.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.40 "Олеся ва компания". 10.10 "Совуқ куз". И.Буниннинг шу номли ҳўқояси асосида телеспектакль. 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс 11.20 Болалар учун фильм. "Сув қаердан оқади?". 12.05 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 6-ва 7-сериялар. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.45 "Джем". 16.15 "...16 ешгача ва ундан катталар". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Е.Светланов. "Байрам поэмаси". 17.45 "Ўзгариш". 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 Театр учрашувлари. Березил. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 Телеэкранда биринчи марта. "Қайтиб келмайдиган". Бадий фильм ("Троицкий мост" студияси, "Ленфильм" киноуюшмаси). 22.30 Рус мусиқаси саҳифалари. 23.00 Янгилар. 23.40 "МТУ". 00.40 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 6-ва 7-сериялар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Тонгги концерт. 8.15 "Нота бене" студияси. 9.10 "Рахманинов олами". Халқаро муслиқ фестивал. 10.10 "Пилигрим". Россия савҳатлар бюроси. 10.55 Буржлар туркумидан. 11.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 207-серия. 12.40 "Деҳқонларга таалуқли масала". 13.05 "Қайтиш". 13.35 Трансросэфир. "Портретга чизилар". 14.20 "Айни ҳозир дунени қутқарайлик". 14.50 Янгилар. 15.05 "Рост" студияси. "Тонлабиринт". 15.35 "Маърифат самараси". 16.25 Ватандошлар. "Сўнги километр".

17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.20 Телеэкранда премьераси. Бадий фильм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 "Снечат майдонда". 22.25 "М-трест". 22.40 "Мазстро". 23.05 "Сизнинг ҳўқуқингиз". 23.20 Санкт-Петербург мусиқаси.

ЖУМА

20 АВГУСТ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Қўшиқ ва ялларлар. 7.50 "Лоф уришга ким устас?". Мультфильм. 8.00 Шифокор маслаҳати. 8.10 "Елкан шайдолари". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 "Операция "Ы" ва Шуркиннинг бошқа саргузаштлари". Бадий фильм. 10.30 Болалар учун. "Сехрли оҳанглар". 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Хива шахрининг 2500 йиллигига. "Ипак йўлидаги қадимий марказ". 18.45 "Фан уфқлари". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Дутор ва танбур тароналари. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 "Ўзбекистон ва жаҳон". 22.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Жиззах вилояти. 23.05 "Икки дил достони". Бадий фильм. 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II 17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ. "ОРБИТА IV"

5.00 Янгилликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилликлар. 8.20 "Мен келдим". Болалар учун телевизион бадий фильм. 9.25 "Ёрқин йўл". 9.55 Халқ куйларидан концерт. 10.10 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.00 Янгилликлар. 11.20 "Америка М.Таратута билан". 11.50 "Зое кетган вақт ҳақида эрта". Катта қўғирчоқ театри фильм-спектаклининг премьераси (Санкт-Петербург ва "Панорама" студияси). 12.55 "Турмуш икки-чирклар". Бадий телесериал. 11 ва 12-сериялар. 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.35 "50х50". 15.45 "Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?". 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Технодром". 17.40 "Инсон ва қонун". 18.10 "Ўзгариш". 18.15 "Америка М.Таратута билан". 18.45 "Мўжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Хафтанинг машҳур кишиси". 20.40 "Детективлар клуби". "Суини". Ун уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 8 серия. 21.40 Н.Римский-Корсаков. Гомердан прелюдия-кантата.

"ВИД" таништилади:

21.55 "Дераза ортида" "Август-2". 22.45 "Авто-шоу". 23.40 "Обоз" майдончаси. В.Цой хотирасига бағишланган концерт. Танафус пайтида (23.00) — Янгилликлар. 00.40 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Параллеллар". 8.15 "Сиёсат майдонида". 9.10 "Мульт-пулти". 9.20 "Рек-тайм". 9.50 Кундузги сеанс. "Ота меҳрини кўрмаганлар". Бадий фильм. 11.20 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади. 12.15 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 12.40 Россия телевидениесининг сара асарлари: "Россиянинг телевизион театри". А.Костинский. "Қафас". 14.10 Мульт-пулти. 14.15 "Телемати". 14.20 Жума кунлари Дисней. "30 га қарши 14". Бадий фильм. 1-серия. 15.10 "Рус визиси". 15.40 Янгилликлар. 15.55 "Рост" студияси. "Артзона". 16.25 Трансроссфир. "Половецк ойи".

17.00—19.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Мульт-пулти. 19.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 208-серия.. 20.10 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатув. 21.30 "Ўз-ўзига режиссёр". 22.05 Кечки салон. 23.40 Джаз куйларидан концерт. 00.10 Бокс бўйича профессионаллар ўртасида жаҳон чемпионати.

ШАНБА

21 АВГУСТ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Қувноқ тароналар. 7.50 "Кичкина деманг бизни". Мультфильм. 8.00 Шифокор маслаҳати. 8.10 Дунё воқеалари. 8.20 "Чор Бакир". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Кизил қор еққанда". Бадий фильм. 10.25 "Знекор қисмати". 11.05 "Иқтисодий ислохот — давр талаби". 11.35 "Яшил чироқ". 12.35 "Замин саховати". 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Умид учқунлари". 18.45 "Ёшлик" студияси. "Ҳазалхон ёшлигим". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустиқиллик одимлари". 20.10 Оқшом эртасклари. 20.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Удаева куйлайди. 21.00 "Ўзбекистон"

ахбороти. 21.30 "Мустиқиллик одимлари". 21.35 "Истиқлол сурури". Ўрта Чирчиқ тумани меҳнаткашлари ҳузурида. 22.35 Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқчалар кўз очганда". Бухоро вилояти. 23.35 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎзТВ II 17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ. "ОРБИТА IV"

5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 Мультфильм. 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилликлар. 7.30 "Спорт—имконият". 8.00 "Марафон-15" таништилади. 8.25 "Ўз-ўзинга мадад бер". 8.55 "Шанба кунги дастхат". 9.25 "Чашмалар". Давлат "Русь" вокал-хореографик ансамбли (Владимир шаҳри). 9.55 "Эпкин ёзишмалар ёки Соня билан Америка бўйлаб саёҳат". 10.20 Тушинода халқаро авиация-спорт байрами. 11.20 "Мустиқий дўкон. 11.50 "Авикосмик салон". 12.05 "Око студияси "Данилич" телефильм премьерасини таништилади ("Экран"). 12.45 "Ҳокимият сиймоси". 13.00 "Кинокамерани ҳисобга олмаганда кемада икки киши". В.Усков ҳамда В.Краснопольский юбилейга таклиф. 14.00 Янгилликлар. 14.20 "Меценат". Бадий-публицистик кўрсатув. 15.10 "Шаҳзода ва Сув париси". Кўп серияли мультфильм премьераси. Якуловчи серия. 15.35 Халқаро муносабатлар иқтисодий кўзгусида. "Пул ва сиёсат". 16.05 "Саҳнанинг нариги томонида". Б.Плотников портрети. 17.05 "Ўзгариш". "Шуларга ўхшаш..." Телевизион бадий-публицистик фильм премьераси. 1-фильм. 17.50 "Бахтли тасодиф". 18.50 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Ти Жей Хукер". Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-фильм (АҚШ). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Зангори ва кулранг". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси 8-серия. 21.10 "Резонанс" студияси таништилади. "Канкан". 21.30 "Бир боқишда муҳаббат". 22.10 А.Вознесенский. "Россия, уйғон, ёки чинкамизга кўмаш". Танафус пайтида (23.00) — Янгилликлар. 0.05 Сўнгги киносеанс. "Декалог III". Телевизион бадий фильм.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.55 "Чашмалар". 8.25 "Элчи буйруғи". 8.55 "Рост" студияси. "Биринчи тайм". "Бизнинг "Аралаш". 9.25 "Пилигрим". Россия саёҳатлар бюроси. 10.10 "Мустиқий инъомлар". М.Ростропович. П.Доминго. О.Бородина. 10.45 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади. 11.35 "Олти сотих". 11.55 Биз севган комедиялар. "Ишбилармон кишилар". Бадий фильм. 13.15 "Кузирхоним".

13.45—17.20 ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 13.55 "Чинсэн" (корейс тилида). 14.40 "Чет эл киноси юлдузлари". 15.20 "Замандас" (қозоқ тилида). 16.00 "Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида". 16.40 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўллари. 17.00 Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.20 Видеошеърят. Ф.Тютчев. 17.35 Мульт-пулти.

18.00—19.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 "Трио". Бадий фильм. (Чехия).

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатув. 21.30 "Август инқилоби". Хужжатли фильм премьераси. 22.15 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади. 23.15 Катталар учун мультфильм. 23.25 Мустиқий коллекция. Н.Гутман ва Э.Вирсаладзе дуэти. 24.00 "Каунтдаун". Оммабон куйлар янгилликлари.

ЯҚШАНБА

22 АВГУСТ

ЎзТВ I

7.00 "Ассалом алайкум!" 8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 Болалар учун "Тонги салом". 9.00 "Маҳобҳорат".

Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 29-30-сериялар. 10.30 "Цирк! Цирк! Цирк!". 11.15 "Анъана ва замон". 11.45 "Ёшлик" студияси. Ўзингни эр билсанг". 12.45 "Шеърят дастхатидан". Аъзам Ўктам. 12.55 "Саноатимиз одимлари". "Қувасой кварц ишлаб чиқариш заводи фаолиятдан. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Дадамнинг ўрнида бўлганимда...". Мультфильм. 18.25 "Ёшлик" студияси. "Нурга тўлсин хонадон". 18.55 Тижорат канали: "Тикланиш". 19.15 Ойнаи жаҳонда". 19.30 "Хафтанома" (рус тилида). 20.00 "Мустиқиллик одимлари". 20.05 "Оддий кун". Телефильм. 20.15 "Якшанба оқшомида". Мустиқий кўрсатув. 21.00 "Хафтанома". 21.40 Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Наманган вилояти. 22.40 "Муҳаббат можароси". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

7.00—12.00 17.00—23.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ "ОРБИТА IV"

5.45 Эрталабки гимнастика. 5.56 "Рухни чиниқтириш". 6.55 Янгилликлар. 7.35 "Авто-шоу". 7.50 "Технодром". 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 "Ҳамма уйдалигида". 9.30 Спортлото тиражи. 9.45 Эстрада юлдузлари — болаларга. 10.45 "Ҳарбий ревью". 11.20 "Пн" белгиси билан. 12.10 "Янги авлод танлайди".

"КТВ-I" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништилади: 13.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 14.00 Янгилликлар. 14.15 Казак ансамблларининг концерти. 14.35 "Саёҳатчилар клуби". 15.25 "Хунарли хор бўлмайди". 15.30 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", Ҳақиқий ажина овловчилар". 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 "Ультраси". Спорт кўрсатув. Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германия кўрсатилади. 17.45 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.05 "Ўзгариш". 18.15 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 18.55 "Беш қиз Парижда". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 19.55 "Монте-Карлода Бутунжаҳон мусиқа соврини". 20.55 Эълонлар. 21.00 Якунлар". 21.50 "Монте-Карлода Бутунжаҳон мусиқа соврини" кўрсатувининг давоми. 23.00 Янгилликлар.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 "Хужжатли фильм. 7.55 "Хайрли тонг!" 8.25 "Рост" студияси. "Спортмульт программа". 8.55 Мотопойга бўйича жаҳон чемпионати. Буюк Британия гран-приси. 9.55 "Ати-бати...". 10.25 Кипрам Мажейка. "Бродвей оҳанглари". 10.55 Кундузги сеанс. "Табибнинг шогирди". Бадий фильм. 12.05 "Деҳқонларга тааллуқли масала".

12.25—15.55 ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.40 "Рангинкамон" (тожик тилида). 13.25 "Ҳамкорлик истиқболлари". 14.05 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 14.50 "Умид" (уйғур тилида). 15.40 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 "Оламга машҳур цирклар".

17.00—18.20 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 Телеэкранда премьераси. "Шамол ҳам қайтади". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 20.30 "Мусиқа йирик планди".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатув. 21.30 "Владимир Познернинг Америкаси". 21.40 Футбол бўйича Италия суперкубоги. "Милан" — "Торино". 23.30 "А" программаси. ("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан олинган).



АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ТОШКЕНТ туманидаги "Гулистон" қишлоқ Кенгашининг клубида жамоатчилик вакилларининг ички ишлар идоралари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди, учрашуви ташкил этишда маҳалла кўмиталари ва туман хотин-қизлар кенгаши ҳам иштирок этди. Қилинган ишлар ҳақида Тошкент тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция майори Юнусхўжа Ёқубов ҳикоя қилиб берди.

Ю. Ёқубовнинг чиқишдан туманда жиноятларнинг ҳаммаси очилаётгани ва жиноятчиликка қарши кураш жуда қатъий тус олганлиги аён бўлди.

Кишиларни бугунги кунда жиноятчилик мавзуси ҳаяжонга солмоқда, қишлоқ клубидаги учрашувда у асосий мавзулардан бири бўлди. Бу ҳақда участка вакили милиция капитани Бахтиёр Исроқжонов сўзлади, у кўпгина жиноятлар участка вакиллари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекторларнинг бевосита иштирокида очилаётганини таъкидлади.

Туман хотин-қизлар кенгаши раисаси Азима Ҳакимова, туғруқхона бош врач Манзура Муҳиддинова, "Ўзбекистон 50 йиллиги" жамоа

хўжалигининг раиси Равшан Норимов йиғилганларнинг саволларига жавоб бердилар.

Маҳалла аҳолисининг йиғилишида Тошкент вилояти ҳокимлиги ИИБ шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлигининг ўринбосари милиция майори Ғофур Юсуфжонов иштирок этди.

Ҳабиб ШУКУР.

Суратларда: "Гулистон" маҳалласидаги учрашувдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.



МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАМАН

Ҳурматли таҳририят! Сизга ушбуни ёзишимдан мақсад, яқинда қутилмаган воқеа рўй берди: ҳаменимни йўқотиб қўйдим. Ҳамма гап шундаки, унинг ичида катта миқдорда пул ва иш хужжатлари бор эди. Пулнинг миқдори жуда катта бўлгани туфайли ҳам, энди унинг топилишига ишончм қолмаган эди. Бу ҳодисадан қаттиқ таъсирланиб, тушкун бир кайфиятда юрган кунларимнинг бирида ҳаменим топилиди. Ушанда, мен ҳаменимни тушириб қўйганимдан кейин улар Республика "Қуриқлаш" биностмасининг бошлигининг ўринбосари милиция подполковниги Эрмито Каримов

топиб, яшаш жойимни билмаган ҳолда сўраб-суриштириб менга пул ва хужжатларимни қайтарди.

Мана шундан сўнг мен милиция ходимлари орасида виждонли, имонли одамлар кўп эканлигига ишондим. Милиция зобитининг ўз касбига содиқлигига қойил қолмасдан илож йўқ.

Мухтарам муҳаррир, руҳсат берсангиз, газета орқали Эрмито ака ва барча ички ишлар идоралари ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдирсам.

Сизларга омад ер бўлсин!

Рафик ХОЛИҚОВ,
Тошкент шаҳар, Ялангач мавзеси, 84-уй, 21-хонадон.

ИНСОНИЯТ тарихида энг мислсиз қирғин уруш ҳисобланган — Улуғ Ватан уруши тўрт йилдан ортиқ давом этди. Унда халқимиз чинакам мардлик, қахрамонлик кўрсатиб, чинакам ватанпарвар эканликларини намойиш этди. Бу уруш гўзал Ўзбекистон дёридан олисда, асосан бепоён Россия заминидан кечди. Бироқ ўзбекистонликлар ҳам фашист газандаларига қарши олиб борилган жангларда мислсиз мардлик ва қахрамонлик кўрсатдилар. Улар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди, албатта. Бугун мен Днепр дарёсини ишғол қилиш операцияларида мислсиз мардлик, қахрамонлик ва жасорат кўрсатган ҳамюртимиз — Совет Иттифоқи Қахрамони Қосим Ёқубов (1916-1954) ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Қ. Ёқубов 1916 йилда Қўқон шаҳрида дурадгор уста оиласида таваллуд топди. У отасининг ўртанча фарзанди бўлиб, унинг Махмуджон исмли акаси ва Ойшахон исмли синглиси ҳам бўлган.

Қ. Ёқубов 1924 йилда шаҳримиздаги Тароқчилик маҳалласидаги (собиқ Исфара гузари) 118-уйда яшаган. Дастлаб у 4-ўзбек мактабига ўқишга кириб,

унда 1931 йилгача таълим олади.

Сўнгра 1932 йилда шаҳардаги 2-темир йўл хунар-техника билим юртига ўқишга кириб, бир йил мобайнида таҳсил кўради. 1933 йили Қўқондаги 2-пахта заводига ишга киради. У аввало слесарь, кейинчалик смена устаси (мастер) бўлиб

шаҳрида ташкил этилган “Днепр дарёсини кечишда қатнашганлар музейи” ҳамда шу вилоятнинг Лоев тумани теграсида жойлашган Держачи қишлоғида очилган “Халққа шону шарафлар” музейидаги экспонатлар ичида қахрамонимиз Днепр дарёсини кечи

ишлади. Умрининг сўнгги йилларида, яъни 1949-1954 йилларда Тошлоқ пахта заводига директорлик қилиб, енгил саноат ривожига баракали ҳисса қўшди.

Унинг икки ўғли ва бир қизи бор. Улар бир-бирларидан қобил, одобли, оталаридай меҳнаткаш, ўқимишли

етишишни орзу қиларди. Олийгоҳга ўқишга кирди. Уни 1972 йили муваффақиятли битириб, аввало Фарғона туманидаги Аввал қишлоғида жойлашган хўжалик техникумида, сўнгра ўзи ўқиб таълим олган педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1979 йили Фарғона вилоят ички ишлар бошқармасига ишга кирди. 1981—1983 йиллари Москвадаги Милиция академиясида таҳсил кўрди. Ҳозирги пайтда у, юқорида айтганимиздек, милиция подполковниги, вилоят ички ишлар бошқармасида бўлим бошлиғи. Биз у каби ички ишлар идораларида ишлаётган инсонлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки улар орасида биз билан бир сафда жангга кириб, мислсиз жасорат кўрсатиб, тилларда дoston бўлган одамларнинг фарзандлари хизмат қилишарди. Бугун бўлмаса эртага улар отасининг жасоратини такрорлашга шак-шубҳамиз йўқ.

Баҳром БҲРОНОВ,
ички ишлар вазирлиги
фахрийси.
Қўқон шаҳри.

ШАК - ШУБҲА ЙЎҚ...

ишлайди.

Манфур Гитлер галалари мамлакатимизга бостириб кирганда кўнгиллилар сафидан Ватан ҳимоясига отланади. Бинобарин, у 1942 йилда ҳаракатдаги 61-армияда ёвуз душманга қарши олиб борилган жангларда қатнашди. У Волхов шаҳрини, қардош Беларус Республикасининг Қомарин туманидаги Брагин қишлоғини душмандан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳам, Украинанинг Репкин туманини немислардан тозалашда ҳам мардлик ва қахрамонлик кўрсатди. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, Гомель вилоятининг Лоев

ўтишда кўрсатган жасоратларини акс эттирувчи ҳужжатлар мавжуд (мен мазкур музейлар ходимлари билан дўстона мактублар езишиб тураман).

Собиқ Иттифок Олий Кенгаши Президиуми Фармонида кўра 1944 йил 15 январиди Қосим Ёқубовга Совет Иттифоқи Қахрамони деган юксак унвон берилди.

Совет Иттифоқи Қахрамони 1945 йили ғалаба билан жонажон шахрига қайтиб келди. 1945—1947 йиллар давомида ўз қадрдон жамоаси — 2-пахта заводида бош муҳандис ерданчиси, 1947 — 1949 йиллари Фарғона пахта тозалаш заводида директор муовини вазифасида

бўлиб етишдилар. Оталарининг номини меҳр билан ардоқлаб келадилар.

Тўнгич ўғли Қодиржон Ёқубов милиция подполковниги, Фарғона вилоят ички ишлар бошқармасида хизмат қилади. Кичик ўғли — Баҳодир Ёқубов Фарғона шаҳридаги 6-кўчма механизациялашган колоннасида бош муҳандис. Қизлари — Замирахон (Зоя) эса, вилоят ҳокимлиги девонининг масъул ходими.

Энди қахрамоннинг тўнгич ўғли Қодиржон Ёқубов ҳақида бироз тўхталсак.

Қ. Ёқубов ешлигидан худди отасидек мард, жасоратли бўлиб

ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИ — АСОСИЙ ВАЗИФА

ФАРҒОНА вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркибни ҳимоя қилиш бўлими ходимлари маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан узвий алоқа ўрнатиб, вилоят теграсида ижтимоий-сиёсий аҳволни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида аниқ-пухта режа асосида иш олиб бораётирлар.

Милиция ходимлари тарбияси ва уларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, вазирлик кўрсатмалари ва буйруқларини шахсий таркиб ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш бўлимининг асосий вазифаларидан биридир. Шунингдек, эл-юртда ном қозонган, обрў-эътиборли собиқ милиция ходимларининг номларини абадийлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида вилоятда 10 нафар милиция ходимларининг номлари абадийлаштирилди. Шулардан уч нафарининг номи вилоят теграсидаги мактабларга берилди. Вилоятдаги қатор шаҳар ва қишлоқларда милиция генерал-майори Ғуломжон Зокиров, милиция майори Раҳматжон Миртожиев, Минавваржон Саминжонов, Қодиржон Рўзमतовлар номлари билан аталган кўчалар пайдо бўлди. Бунда, албатта, туман, вилоят ҳокимларининг хизматлари катта бўляпти.

Хотира кунлари марҳум милиция ходимлари оилаларидан хабар олиб туриш, уларнинг қабрларини зиёрат қилиш, гуллар қўйиш, ўтганлар хотираси шарафига спорт мусобақалари уюштириш анъанага айланган. Икки йилдан буён, вилоятда марҳум милиция ходими, милиция майори (халқ ичида полков деб ном чиқарган) Мамажон полков Юсупов хотирасига бағишланган миллий кураш, марҳум милиция подполковниги Минавваржон Саминжонов, милиция майори Тўхтасин Раҳимовлар хотираси шарафига спортнинг волейбол тури бўйича мусобақалар ўтказилиб турибди.

Милиция ходимларини жанговар жиҳатдан чиниққан, қўрқмас, соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашда шахсий таркиб билан ишлаш бўлимининг амалий ёрдами беқисс бўляпти. Ходимларга иш жойларида қулайликлар яратиш, тураржой билан таъминлаш раҳбариятнинг доимий назоратида турибди. Йил бошида бошқарманинг икки қаватли йўлдош биноси қурилиши бошланган эди. Уни сентябрь ойида битказиш режалаштирилган.

Фарғона, Маргилон шаҳарлари ҳамда Риштон туманида ходимларга енгиллик яратиш учун ИИБ биноси ёнида ошхоналар қуриб битказилди. Айни пайтда ошхоналар ходимларга юксак даражада

хизмат кўрсатмоқда. Шу билан бирга ходимлар учун алоҳида дам олиш хоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай шарт-шароитларни вилоятдаги бошқа ИИБларда ҳам амалга ошириляпти.

Ходимларни руҳан қўллаб-қувватлаш масаласи — хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этган, алоҳида ўрناк кўрсатганларни тақдирлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун эсдалик совғалари жорий этилди.

Яқинда ИИБда ўз хизмат бурчини юқори даражада адо этган, жиноятчиликка қарши курашда мардлик-матонат кўрсатган бир гуруҳ оқойишталик посбонлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Халқимизнинг миллий байрами — Наврўз, Ғалаба байрами тантаналари барча ИИБларда кенг нишонланди. Биз вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркибни ҳимоялаш бўлими ходимлари амалга ошираётган айрим ишлар хусусида тўхталдик, холос.

Рустамжон МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ходимларни ижтимоий ва
ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя
қилиш бўлимининг катта
нозир, милиция майори.

ТЕКИН ТЕШИБ ЧИҚМАЙДИМИ?

МАЪЛУМКИ, Янгийўл шаҳрида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар талайгина. Иқтисодий алоқалар узлиб қолган бугунги шароитда ҳам улар республикамиз аҳолисини нозиматлар билан етарлича таъминлаш учун ҳамма имкониятларни ишга солиб, ишламоқдалар. Қандолатчилар, консервачилар, ёғмий маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳалол пешона тери тўқаётган, халқнинг оғирини енгил қилиш учун куч-ғайратларини аямаётган бир пайтда баъзи бировлар кўпнинг ризқига хиёнат қилмоқдалар, қанча маблағ ва куч сарфлаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни “туя” қилиш пайидалар.

Қўқор Аҳмедов Янгийўл консерва заводида қоровул бўлиб ишлайди. Корхона раҳбарларига қойил қолиш керак. Улар “қўйни” “бўрига” топшириб қўйишбди. Бўлмаса бу қоровул корхона моддий бойликларини қўриқлаш ўрнига ўзи ўғирлик қилармиди? Шаҳар ички ишлар бўлими иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари уни заводдан 4700 сўмлик турли маҳсулотларни ўғирлаб чиқиб кетаётган пайтда қўлга туширдилар. Катта қоровул қўлига нима тушган бўлса олаверибди. У пахта ёғи ва

апельсинларни “туя” қилиш билан чекланиб қолмаган. Ўғирлик моллар ичида ҳатто туз ҳам бор экан.

Улканой Кушанова эса Янгийўл шаҳар вино заводининг қўйиш цехи ишчисидир. Бу ерда давлат мулкни сақлашга қандай муносабатда бўлинаётганини шу нарсадан ҳам билса бўладики, корхонанинг ишчилари ва хизматчилари вино маҳсулотларини бемалол ўғирлаб чиқаверишар экан. У.Кушанова ҳам ўз уйида вино заводидан ўғирлаб чиққан ичимликларни сотаётган пайтда қўлга олинди.

Орамизда шундай олғирлар борки, улар унча-мунча оғора бўлиб юришмайди. Масалан, Янгийўл ёғмий комбинатига қарашли тепловоз ҳайдовчиси Абдуҳалиқов, Ҳожимухамедов корхонадан 450 кило шрот олиб чиқиб кетаётганда қўлга туширилди. 2430 сўмлик бу қорва емини ўмаринида уларга Шўхрат Алматов ва Бахтиёр Утанбоевлар шериклик қилишган.


Бозор иқтисодининг қандай қилиб бўлса ҳам маҳалладошлари, ҳамшаҳарларини алдаб, авраб қиссасини қаппайтириш деб тушуновчилар ҳам йўқ эмас. Чунончи, шаҳримизда истикомат қилувчи Рихси Мамедова ичкиликбозлар “иштаҳаси” қўзиганда, пулнинг бетига қараб ўтирмасликларини яхши биларкан.

Шунинг учун бўлса керак, давлат дўконидан “Жасорат” виносининг ҳар шишасини 180 сўмдан сотиб олиб, уйда пинҳона равишда 250 сўмдан сотаётган пайтда ушланди. У қисқа вақт ичида 3500 сўм нақд фойда кўришга улгурган экан.

Шаҳар бозорида хусусий тижорат, ўз номи билан айтадиган бўлсак, чайқовчиликни авж олдириб юборганлар ҳам топилди. Улардан бири Жамила Сайфуддинова Тошкентдаги дўконлардан эркаклар туфлилари, ҳар хил ўлчамдаги пайпоқларни сотиб олиб, уларни Янгийўл шаҳар бозорида пуллаверар экан. У чайқовчилик билан шуғулланаётган пайтда қўлга тушди.

Ҳозир бу қонунбузарлар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Бўлинимизнинг ходимларидан милиция катта лейтенанти Шавкат Шомўминов, милиция лейтенантлари Шавкат Алимов, Улугбек Хўжаев ва бошқалар бундай текинхўрлик билан кун кечиришга ружу қўйганларга қарши мурасасиз кураш олиб бормоқдалар.

Комилжон ТУРСУНОВ,
Янгийўл шаҳар ИИБ ИЖК
бўлими
бошлиғи, милиция
подполковниги.



БИРИНЧИ ИМТИҲОННИ ШИФОКОРЛАР ОЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий милиция мактабига кирувчиларнинг кўпчилиги болаликданок милициянинг ҳамма ишни қойиллатиб ташлайдиган зобитлари бўлишни орзу қилишган бўлса, эҳтимол. Улар бунга қандай эришадилар — бунинг келажак кўрсатади. Ҳозирча улар дастлабки имтиҳонни топширмоқдалар. Қимларгадир у энг осон имтиҳондир, баъзиларга эса балки ўтиб бўлмас тўсиқ бўлар.

Суратларда: Олий милиция мактабига кирувчилар ўзларининг бўлажак тахсилгоҳларидаги кўпчилик комиссиядан ўтмоқдалар; кўз доктори Светлана Фирсова, отоларинголог Мария Кетко, шифоқорна Маффуза Ғофурова — “сўнгги сўз”ни улар айтадилар.

Ҳ.ШОДИЕВ олган суратлар.



1-ҚИСМ

1.

ЗОНАНИНГ олис бурчагидаги яккам-дуккам ўсган, қовжираб ётган ўтлар устига ҳамтовоқлар ўтириб олишди. Клич кўлини эринчоклик билан гитарага чўзди, торларни тингиллата бошлади. Гавдасидан куч ёғилган, юзидан иродаси кучлилиги кўриниб турган Клич дўстларига савол назари билан қаради:

— Хўш, нима дейсизлар? Илгор маҳбусларнинг илтимосларига биноан концерт берилади.

Ўғри аёл ҳеч қачон кир ювувчи бўлмас,
Муттаҳам эса кўксини ханжарга тутмас...

У ечимли баритон овоз билан куйлаб, ўзига ўзи маҳорат билан гитарада жўр бўлди. Ашулани тўхтатиб, торни кўли билан қисди:

— Нимага хомуш бўлиб қолдинглар, оғайничалишлар?

— Афсуски, амнистияга илиниб қолдинг, Клич, — тўнгиллади нохуш кайфиятда ўтирган бахайбат гавдали Сенька Шпала. — Бундан буён биз учун ким шундай хониш қилади?...

Юрий ВОЛОГИН

НОМЗОД

ҚИССА

— Эҳ, оғайничалишлар, — кулимсиради Клич. — Эркинликда ашула яхшироқ куйланади. Сизлар эса Клични кучлироқ соғинадиган бўласизлар.

У гитарани бир енига қўйди, ўрнидан турди, ҳузур қилиб керишди.

— Умуман олганда озодликка мен талабгор бўлмаган эдим. Амнистия бўлса амнистия-да. Биродарлар, сўриларни банд қилиб етиш етади энди. Эркинлик нақадар тотли!.. Эртагаёқ “қарздор эмаслигим” ҳақида варақани оламану, хайр санаторий, деб жуфтани ростлайман.

У шундоқ енгинасида ерга ўрнатилган турникка яқинлашди, унга бир сакраб чиқиб, кўллари билан темирни ушлаб олди ва жад билан “куеш” кўринишида айлана бошлади. Шериклари томоша қилишарди.

— Чемпион, — маънодор қилиб лабларини қисди Шпала. — Ботвинник!

— Ботвинник шахмат бўйича чемпион, — деб қўрқа-писа унинг гапини тўғрилади чуваккина Тэкс.

— Овозингни ўчир, муттаҳам, — ковогини уйди Шпала. — Маълумотлисанда... эҳ, мен Клич билан бирга ишлаганман. Артистнинг ўзи! Ха, у озодликка чиқмоқда, мен эса ҳали... — У мийингида қулди. — Клич! Менинг муддатим тугаганини кутиб тур, бирга эркинликка чиқардик... Сен қаекларни мўлжаллаб турибсан, а?

— Ташкент, деган эди ёзувчилардан бири, нон шаҳри. Наҳотки у ўзининг қадрдон ўғлига иссиқ кучоғини очмаса? — Клич турникдан қойиллатиб ерга сакради. — Менинг манзилгоҳимни ГУМдан — Шаҳар милиция бошқармасидан билиб оласизлар. Илтимос, уни универмаг билан адаштириб юборманг — бутунлай бошқача идора.

Сенька Шпала мамнун бўлиб тишининг оқини кўрсатди.

— Адаштирмаймиз, — улар-ку сени дарҳол таниб олишади, сен яна биз билан бирга бўласан.

— Мен ҳам доим шу ҳақда

ўйлайман.

— Ҳечқиси йўқ, Кличжон, балки тез орада эркинликда учрашиб қоламиз...

Клич ана шу галати ваъдага жавоб қайтаришга улгуролмади.

— Одил! Ваҳобов! — Клич шиддат билан орқасига ўтирилди. Зонадан капитан Егоров шовилмасдан бормоқда эди. Клич доим пешонасини тириштириб юрадиган қаттиққўл капитанни гоёта ҳурмат қилгани учун эмас, ҳамтовоқларидан нарироқда тўхтатиш учун унинг олдига шошиб борди.

— Кайф-сафоми? — капитан Ваҳобовга бир қур кўз ташлади.

— Нималар деяпсиз, гражданин бошлиқ! Қисқаси, ҳаёт ҳақида суҳбатлашяпмиз, — Кличнинг зардаси қайнади.

— Айни вақтда... Мен билан бир оз бирга юр-чи, — кулимсиради капитан. — “Куеш” бўлиб айланаётганини кўрдим. Мен бундай қила олмайман, кўлимдан келмайди... Оғайниларинг сени кузатиб қўйишяптими? Сени кузатарканман, Одил, нимагадир

сотиб олмадилар. Улар гала-говурни деразадан кузатиб очиқчасига мазах қилишарди. Шахмат ўйини вақтинча тўхтатилди, очиб қўйилган китоб ёстиқ устида қолди. Учинчи купе ахли перронда жўш урган кишилар дарёсининг кўринишидан ва ҳаётни ўзи яхши билишидан хузуруларди.

Диктор одатдагидек нотабий овоз билан поезднинг жўнашини эълон қилди. Йўловчилар ўз вагонларига қараб югурдилар. Ҳар биримизда кўринишича, поезддан қолиб кетишдан қўрқишдек гайришўрий ҳис бор.

— Эътибор беринг, ҳамкасблар! Қаранглар! Сизнинг фикрингиз? — хитоб қилди спортчиларга ўхшаш қизикқон киши.

Учинчи купе йўловчиларининг кўзлари ҳаддан ташқари ҳаяжонланган бақалоқ кишига тушди. У иккита чамадонни кўтарган бекат хизматчиси ва жонсарақ хотини ҳамроҳлигида пишиллаб вагонга чиқмоқда эди.

— Ресторанда узоқ ўтириб қолган, — ўз изоҳини берди навқирон лейтенант. — Вагонга чиқиш чоғида ўзининг бежирим норка қалпоғини ва шарфини йўқотиб қўйди.

— Кейинги бекатга етганида эса бошқа поездга ўтирганини билиб қолади, — лабини истехзо билан қийшайтирди қорачадан келган, жуда ҳам зиёлиларга ўхшаган фан номзоди. — Умуман олганда, янги нарсасиз.

Учалови яна шахмат ва китобга қайтиб ўтирмоқчи бўлишди, лекин чамаси гўзал аёлларга лоқайд бўлмаган навқирон лейтенант деразага кўз тикди.

— Синьорлар, бу гал сизлар физки-фасод қилмасангиз керак. Қаранглар!

Нафис чамадон кўтарган бежирим аёл шовилмасдан вагонга чиқмоқда эди. Поезднинг юриши ҳақидаги эълон, бошқа йўловчиларнинг чопишлари уни ҳеч ҳам ҳаяжонлантирмаган эди.

— Сирли нотаниш хоним, — сўз қотди муҳандис. — Деярли Крамскойни эслатади.

— Граф хоним, — хонимга эътибор билан кўз қирини ташлади фан номзоди.

— Сизларни табриклайман, азиз йўловчилар, бақалоқ ҳам, хоним ҳам бизнинг вагонимизга ўтиришмоқда, — лейтенант кўшилиларни қувонтирди.

— Фақат бизнинг купемизга ўтиришмасин, — ух тортди фан номзоди. — Бизнинг тигиз доирамиз бунчалик жипс бўлолмайди. Амаки ўзининг қандай касалликлари борлигини ҳикоя қилади, хоним эса ҳаммамизни уриштириб қўйди. Шахматни давом эттирамизми, лейтенант!

Поезд тезликни ошира бормоқда эди.

— Вазиятга мувофиқ таслим бўласизми энди, — фан номзоди кинояомуз оҳангда лейтенантдан сўради.

Айни шу вақтда купе эшиги тақиллади.

— Итини йўқотган хоним келди, — ух тортди муҳандис ва юқори тоқчага чиқиб етди.

— Шарфидан ажралган амаки келди, — шахматдан бош кўтармаган ҳолда фан номзоди жавоб қайтарди.

— Худойимей, худойимей! — ух тортди ва юзидаги терни артаркан, бақалоқ купе эшигини қия очди. — Анна мени ўлдиради. Мен ҳаммолнинг ҳақини тўлашга улгурмадим. Проводник, мени қайси купега жойлаштирмоқчисиз? Бу ердагилар чекишса керак? Албатта, менга юқори тоқчадан жой тайёрлаб қўйган бўлсангиз керак?

Вагондаги учала киши маънодор оҳангда бир-бирларига қарашди. Купега бақалоқнинг чамадонлари олиб кирилди. У кўшилиларни кўрмасдан, гўе улар шу ерда бўлишлари туфайлигина уни хафа қилишгандек бахайбат юқини жойлаштира бошлади.

— Ҳаяжонланманг, — майин оҳангда сўз қотди номзод, — чекиш пайтида биз тамбурга чиқамиз, қуйи тоқчани эса ўзимнинг хавфсиз бўлишим учун ҳам бўшатиб бераман.

— Тушунмадим, — хавотирга тушган бақалоқ унга тикилиб қолди.

— Бу жуда оддий. Агар юқори тоқчадан устимга кулаб тушсангиз, Склифосовский касалхонасига боришим кафолатланиб қолади.

— Сиз олижаноб йигит экансиз! — Номзоднинг кўлини бақалоқ жон-жаҳди билан силтади. Унда ҳазилни тушуниш еки хафа бўлиш туйғуси умуман йўқлиги кўриниб қолди. Муҳандис юқори тоқчадан буни истехзо билан кузатарди.

Кўп ўтмай ҳамма нарсаси жой-жойига тушди. Бақалоқ пижамаси кийиб олди, чамадонларни жойлаштирди, ҳатто стол устига коньяк қўйди. Ҳаменинги очиб, ичидаги пулларни яна бир маротаба кўздан кечирди.

— Пул билан чипталар жойида, худога шукур! Анна хотиржам бўлади, ҳеч нарсани унутмапман. Энди Москвада бошқа поездга ўтирсам, ҳаммаси қойилмақом бўлади.

— Москвага кетаяпсизми? — шахматга берилган номзод одоб юзасидан, лекин бутунлай лоқайд оҳангда сўради.

— Одил Каримович, наҳотки Свердловскача бирорта ўйинни ютолмасам-а? — шикоятмоз гапирди лейтенант.

— Гаров ўйнаганда шошиш яхшиликка олиб келмайди.

Бақалоқ ҳаменини яна бир марта очиб кўрди ва уни пижаманинг чўнтагига солиб йўлакка чиқди. Одил Каримович унинг ортидан маънодор қараб қолди. “Граф хоним” аллақачон кўшни купенинг деразаси енида турарди. Одил Каримович уни ён томонидан кўрди, лекин у хушбичим олимга кўз қиринигина ташлади ва бақалоқ билан ҳамдардларча сўзлаша кетди. У ҳатто ўз купесининг эшигини қиялатиб епиб қўйди. Шахмат ўйини давом этди.

Кўп ўтмай бақалоқ қайтиб келди, у кўлларини ишқаларди.

— Ҳозир чой бўлади, унчага коньякка марҳамат қилинлар. Биласизларми, кўшни купеда гоёта ечимли хоним кетаяпти. Жуда гўзал.

— Анна нима бўлади? Ё ҳозирдан курортга етиб келдингизми?

— Кисловодска бораётганимни қаердан била қолдингиз? — ҳайратланиб бақалоқ.

— Секрарлик илми, жаноб, — майин кулимсиради Одил Каримович.

Коньяк ичиб, икки соат шакарғуторлик қилишди, орада катта бир бекатдан ўтиб кетдилар. Кейин чойхўрлик бошланди. Сўнгра, лейтенантнинг шахматда яна бир марта мағлубиятга учратиб, фан номзоди отланиб қолди:

— Хўш, дўстларим, менга узр. Учрашув тўғрисида ваъдалашмайман. “Се ля ви!”. Ким билади, яна учрашамизми-йўқми? Мен кетдим.

У башанг емиргўшунни, шляпасини кийди, енгил чамадонини кўтарди. Лекин ўн дақиқа давомида чўнтақларини бетининг қавлаётган бақалоқ ух тортди юборди.

— Ҳаменим! Учала киши ҳам жонсарақ кўшнига ҳайратланиб тикилишди. — Шарфнинг йўқолиши билан иш тугамади, — секингина деди муҳандис.

Проводник, кейин поезд бошлиғи, ҳамма нарсаси қизикадиган кўшилилар югуриб келишди. Бақалоқ чамадонларини, пальто ва пиджак чўнтақларини қайта-қайта қарарди. Ҳаман ҳеч қаерда йўқ эди.

— Нима қилишим керак? Тушмоқчи эдим, энди эса... — саросима билан сўради фан номзоди.

— Сизнинг нима дахлингиз бор? — ранжиган бақалоқ хомуш ҳолда кўлини силтади.

Свердловскада вагонга милицияни таклиф қилишди. Акт тузилди. Кимдир “Граф хоним”ни эслади, лекин мафтункор хоним кейинги бекатдаёқ тушиб кетгани маълум бўлди.

Бақалоқ бир амаллаб буюмларини йиғиштириб,

Свердловскада тушишга ҳозирланди.

— Чипта ва пулсиз қаерга бораман?.. Ёрдам беринг, Одил Каримович. Аннага телеграмма бераман, бу ерга етиб келсин, тўғрими?

— Албатта, албатта, лекин мен шошиб турибман, мени машина кутаяпти, кечирасиз, — номзод нохушлик билан жавоб берди.

Сведловскнинг йўл милицияси хонасида бақалоқнинг аҳволи емонлашиб қолди. “Тез ёрдам” шифокорлари унинг атрофида парвона бўла бошладилар. Акт тузиш учун купега таклиф қилинган милиция майори эса нуқул фан номзодига қарар эди. Бирок, олимнинг ҳужжатлари шубҳадан холи бўлгани учун майор уларни диққат билан қараб чиқиб, сохибига қайтариб берди. Одил Каримович бақалоқ билан ачиниб хайрлашди.

— Ташвиш келтирганим учун кечиринг, — ух тортди бақалоқ. — Умримда биринчи маротаба Кавказда дам олмақчи бўлган эдим, — буни кўрмайсизми...

Одил Каримович жўнаб кетди, майор эса унинг ортидан кўзини узмас эди.

3.

Свердловскада ҳаво жуда совуқ эди, номзод аэровокзал олдидан майдон бўйлаб сайр қиларкан, емиргўшунда совқотди. У гоҳ ниманидир ўйлаб кулимсираб, гоҳ аэропортнинг катта минора соатларига ташвишланиб боқар эди. Буфетда ўтирса яхши бўларди, бироқ “номзод”нинг енида бир чақа ҳам қолмаган бўлиб, у сабр билан кутарди.

Алла тақсида етиб келди, у ўзининг шеригига яна бир қарра махлиё бўлиб тикилди. Анави муҳандис нима деган эди? Номазлум, аелми? Айни шундай, сирли номазлум аёл. Алла ўзини аслзода қилиб кўрсатиш, гердайиб юриш қобилиятига эга. У Кличнинг енидан ўтаркан, бошини бурмасдан шипишди:

— Бир соатдан сўнг Мотяникида, ҳозирча элликтани ол. Ўлжа катта, Кличжон...

Алла самолётларнинг учиш жадвали олдидан бир оз турди, кейин таксига ўтириб шаҳарга қараб жўнади. Нима дейишса дейишсину, Алкага балли. Клич буфетга кириб коньяк бузуртирди. Ҳаммаси қилин сугургандек яхши бормоқда. У Аллани учратди. Биринчи иш муваффақиятли чиқди. Клич айш-ишратли ҳаётнинг таъминини сеза бошлаган эди, негадир бемаврид бақалоқнинг сўзларини эслади: “Умримда биринчи марта Кавказда дам олмақчи бўлган эдим”. Ўғри учун ўз қурбонининг пойма-пой сўзларини эслашга ҳожат йўқ.

Клич таксида шаҳарга бораркан, шоферга йўлни ўзи кўрсатиб борарди. Бир бурчакка етганда машинани тўхтатди:

— Шу ерда тушаман. Қайтманинг кераги йўқ...

Шофер йўловчининг ортидан ҳайратланиб қараб қолди: чойчақаларсиз қуни ўтмайди, лекин ҳеч ким йўл ҳақини беш баравар қилиб тўламаган эди.

Клич шаҳар четиданги уйлар оралаб эски таниши Мотянинг уйи томон юрди. Мотя ўғрилари билан ошначилик қилиб, улар ҳисобига бойлик орттирарди. Клични кутмоқда эдилар. Уй қийимини кийган Алла унинг бўйнига осилди: — Кличжон, азизим!..

Мотя кўз ёшларини артган бўлди:

— Азизгинам, қанча вақт озодликдан маҳрум бўлиб етдинг!

Стол енига ўтирдилар. Алла Мотядан уялиб ўтирмай Клични жон-жаҳди билан қучоқлаб олди:

— Мамнун бўлдингми, Кличжон!.. Мотя, ҳали шаҳарга тушиб келишинг ҳам керак.

Мотя бошини қимирлатди, шошиб-пишиб стакандагини бўшатди, пальтосини кийиб, рўмолни бошига илиб жўнади...

— Нимадандир хафамисан, Кличжон? — саросима аралаш сўради Алла.

(Давоми бор).

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



БИЗ БИЛАН биргаликда ажойиб инсон ва меҳнатсевар ходим Фатхуддин Пахриевич Зиёмов фаолият

кўрсатади. 1986 йилдан бери у Тошкентдаги Яккасарой тумани ички ишлар бўлимининг тергов бўлимида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлайди. Бунгача Ф. Зиёмов терговчи бўлган, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактабини тугатган. У ички ишлар идораларида 1979 йилдан бери хизмат қилиб келади.

Яқинда ҳамкасбимиз ва дўстимизга навбатдаги милиция майори унвони берилди. Биз офицерни ҳаётидаги ана шу унутилмас воқеа билан табриклаймиз ва Фатхуддин Зиёмовга мустақкам соғлиқ, ишда янги-янги муваффақиятлар ва шахсий ҳаётида бахт-саодат тилаймиз.

БИР ГУРУХ ЎРТОҚЛАРИ.



ФОТОАХБОРОТ



ФАЛОКАТНИНГ юз бермаслиги кўп жихатдан автомашинанинг қандай ҳолатда бўлишига боғлиқ. Зеро автомобилнинг носозлиги сабабли йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез юз бериб туради. Шунинг учун Жиззах тумани ИИБ ДАХ ходимлари туман йўлларида юрадиган автомашиналарнинг техникавий томондан шайлигига алоҳида эътибор бермоқдалар.

ДАХ катта ноизири милиция катта лейтенанти Муҳиддин Жалолов (суратда — ўнгда) ички ишлар идораларида 1974 йилдан бери ишлайди. Туман автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамиятининг раиси билан биргаликда у автомашинани техникавий томондан кўздан кечириб чиқмоқда.

А. САПАРМАТОВ олган сурат.

НУҚТАИ НАЗАР

АВТОҲАЛОКАТ

ШАҲРИМИЗДА кунига минглаб транспорт воситаларининг ҳаракати светофорлар орқали тартибга солиниб турилади. Баъзи ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслиги, шошқалоқлиги оқибатида йўл-транспорт ҳалокатлари бўлиб турибди.

Яқинда мен гувоҳ бўлган бахтсиз ҳодиса ҳам йўл-транспорт ҳаракатлари қонун-қоидалари қўпол равишда бузилгани оқибатида содир бўлди.

Шу йилнинг 10 июль куни соат икки яримлар атрофида эди. Ҳаво дим. Кўчада бир дам ҳам машиналар қатнови тинмайди. Ишдан қайтаётган эдим. Бир зум "турс-турс" этган овоз ҳаёлимни бўлиб юборди. Чўчиб орқамга ўғирилдим. Ўзимдан йигирма-йигирма беш қадам нарида дахшатли ҳалокат содир бўлган эди.

Чорраҳада трамвайнинг тумшуги автобус белига тираллиб турарди. Бирдан кий-чув бўлиб кетди. Одамлар автоҳалокат содир бўлган жойда бирин-кетин йиғила бошлади. Мен ҳам нима гапнинг билиш учун воқеа жойига яқинлашдим. Трамвай автобуснинг қоқ белига бориб урилган, натижада автобус пачоқланиб кетганди. Унинг олд ва ён ойналари синиб тушган, ениги баки зарарланиб, ундаги бензин тинмай ерга оқарди.

Автобусдаги аксарият одамлар жабр кўргандилар. Уларнинг баъзилари юзларидан, қўлларидан, қўлоқларидан қон оқарди. Айниқса, бир қиз қаттиқ жароҳатланган, юролиқ қолганди. Оёгининг юкори қисми қонга беланганди. Қизнинг онаси йиғи аралаш" ердам беринглар".

деятрофдагиларга ёлворарди.

Тўпланганлар ҳам қараб туришмади. Автоҳалокатдан жабр кўрганларга биринчи ердани кўрсатишди. Автоҳалокат ҳақида тез ердам ва милиция идораларига хабар берилди.

Бу йўлдаги бахтсиз ҳодиса Яккасарой туманига қираверишдаги чорраҳада содир бўлди.

Хўш, бу бахтсиз ҳодисага ким айбдор? Автоҳалокат бўлмаслиги мумкинми? Йўловчиларнинг гувоҳлик беришича, автоҳалокатга автобус ҳайдовчиси айбдор. Чунки, у қизил чироқ ениб турган бир пайтда йўлни кесиб ўтиб кетмоқчи бўлган. Бироқ, у бунга улгурмаган. Ўз йўналиши бўйича келаётган трамвай автобусни уриб юборган. Бир ҳайдовчининг шошқалоқлиги сабабли қанча-қанча йўловчи жабр кўрди.

Маълум бўлишича, автобус ҳайдовчиси 1971 йилда туғилган ёшгина йигит экан. Унинг ўзини оёғидан жароҳатланди. Автобус пачоқланиб жароқсиз бўлиб қолди. Энди уни қайта оёққа тургазиш учун қанча-қанча маблағ сарф этилади. Кимларнингдир ризки қийилади.

Бу аянчли ҳодиса асосан ҳайдовчининг шошқалоқлиги, тажрибасизлиги, йўл қоидаларини менсимаслиги оқибатида рўй берди. Хулоса шуки, транспорт бошқарган ҳайдовчи доим ҳушёр, йўл қонун-қоидаларига амал қилиш даркор. Акс ҳолда юкоридаги ҳодиса такрорланиши мумкин.

Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ.

СОТТИ МОМОНИНГ ҚУВОНЧИ

ВИЛОЯТИМИЗ марказида яшовчи Сотти момо Исматовга омад кулиб боқди. Унга бир йўла иккита пул-буюм лотереясига 20 та кирсовуни билан бир халта шакар ютуғи чиқди. Сотти момони қариндошлари, таниш-билишлари бу ютуқлар билан қизгин табрикларидилар.

Ютуқлар муборак, СОТТИ момо!

ЖАРИМА ТЎЛАДИ

ЎТГАН ШАНБА куни "Фарҳод" бозорчаси ёнидаги майдонни пул ва қимматбаҳо буюмлар сочиб ифлослантирган

ХАЗИЛ ЎРНИДА

Ғийбатулло Санаевга миршаблар жарима солишди. Чунки, ҳозирги фаррошлар етишмаётган бир пайтда кўчага пул сочиб, жамоат тартибини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

СУДГА БЕРДИ

ШОИР БАХТИЁР Бобоев (Бақиргоний) пул талаб қилиб таниқли пародиячи шоир Ўткирийни судга берди. Ғуе шоир Ўткирий Бақиргонийнинг шеърларига пародия езиб, ўзидан кўра кўпроқ қалам ҳақи олаётганимиш. Яқин кунлар ичида бу иш шаҳар халқ судида кўриб чиқилади.

Иzzатулла НОРҚУВВАТОВ.

ПОСБОНЛАР ХАНДАСИ

АНАВИДАН УНДИРИНГ

НАСРИДДИН Афанди ҳайдаб кетаётган машинани автоинспектор тўхтатди:

— Намунча глушителингиздан қоп-қора тутунни бурқситиб чиқариб, табиатни бузаяпсиз, бунинг учун жарима тўlaysиз энди!

— Хой иним, — деди Афанди асаби бузилиб, — жаримани ҳамма машиналарнинг орқасидан қора тутун чиқармоқчи бўлган хув анави ердаги бензин қуёвчидан ундиринг, у бензинга кўшиб соляркани ҳам пуллаяпти.

ПАРДОЗ

ПАСПОРТ столида рўйхатдан ўтказувчи бўлиб ишлайдиган Раънохон уйда ҳаддан ташқари пардозга берилиб ўтирганида, онаси зарда билан деди:

— Дам олиш куни ҳам бундай қарашмайсан, қизим. Ҳадеб ўзингга пардоз беравермай, бундай супуриб ҳовлига ҳам пардоз бергин.

— Қизикмисиз ойн, — деди лоқайдлик билан қиз, — ҳовлингизнинг пардозига қайси бир йигит қарарди.

ЖАННАТНИНГ ЖАРИМАСИ

ГУЛЗОР орасида ухлаб ётган мастни милиционер уйғотиб сўради:

— Биродар, қаерда ётганингизни биласизми?

— Биламан, — жавоб қайтарди маст эсканда, — жаннатда!

— Бу ер гулзор, ҳаммаёқни пайхон қилибсиз, гулчиларга ачинмайсизми?

— Маҳаллаимиз домласи жаннатда гул кўп бўлади, деган. Гулчилар билан нима ишим бор!

— Э шундай денг, унда қани,

юринг, жаннатнинг жаримасини тўlaysиз!

УНДА КЕТДИК

ЎКДЕК учиб келаётган "Жигули"ни автоинспектор тўхтатди.

— Намунча тез келяпсиз, олтишдан ошириш мумкинмас-ку, бу йўлда?

— Кечирасиз, шошиб турибман, ўн дақиқадан сўнг футбол бошлади.

— Ҳа, айтгандек, "Пахтакор"да бугун ўйин бор-а, мени ҳам ола кетинг, тезроқ борайлик!

БИР СОАТДАН БЕРИ

КЎЛ ЧЕККАСИДА сувга қармоқ ташлаб ўтирган йигитга назоратчи деди:

— Укажон, бу ерда балиқ тутиш ман этилади, анави ёзувни ўқидингизми?

— Унга қарамабман. Айтдим-а, нега бир соатдан бери қармоққа балиқ илинмайди, деб.

ШИФОКОР ҲАЗИЛИ

КАСАЛХОНАГА тушиб қолган автоинспекторга шифокор ҳазил қилди:

— Бир ой бурун қондани бузганим учун талонимни тешиб бергандингиз, энди терингизни игна билан тешиб, укол қилишга тўғри келади.

НИМА ДЕЙИШ КЕРАК?

ОНАСИНИНГ енида йиглаб кетаётган болага милиционер чўнтагидан бир дона конфет олиб берганди, у жим бўлиб қўйди. Шунда онаси ўлига деди:

— Одилжон, конфет учун амакига нима дейиш керак?

— Яна битта беринг! — деди Одилжон милиционерга қараб.

О. ҚЎЧҚОРБЕКОВ.

Меҳнат шарт-шароити унинг самарадорлигига каттагина таъсир кўрсатиши сир эмас. Олот тумани ИИБ ходимлари йиллар давомида зарур талабларга жавоб бермайдиган, хизмат хоналари етишмайдиган эски бинода ишлашга мажбур бўлиб келдилар. Бу ерда фуқароларни хизмат юзасидан қабул қилиш учун зарур шарт-шароит йўқ эди.

Шу йил май ойининг охирида туман ИИБ жамоаси ниҳоят икки қаватли янги, хоналари кенг бўлган бинога кўчиб ўтди. Ички ишлар бўлими ходимлари шанбаликларда ва хизматдан бўш вақтда ИИБга туташган худудни ободонлаштириш билан шуғулланмоқдалар.

Е. ЗУЕВ олган сурат.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар 216-ПТУ томонидан 1986 йилда Маъруф Солиев Исроиллов номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли,

Тошкент шаҳар 37-СПТУ томонидан 1990 йилда Фозилжон Нигматжонович Арипов номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли

Тошкент Давлат Дорилфунуни томонидан 1992 йилда Жаҳонгир Раҳматович Хатамов номига берилган № 763605 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шахси аниқланмоқда

1993 йил 26 июлда Чилонзор тумани худудидagi Бўзсув каналдан кўрак қафаси, елкаси, бошида пичоқ зарбининг кўллаб ишлари бўлган эркак кишининг жасади топилди.

Белгилари: эркак осие миллатига мансуб, 35-40 ёшларда, гавда тузилиши ўртача, юзи чўзинчоқ, пешонаси ўртача, қошлари ёйсимон, кўзлари жигарранг, бурни тўғри, кенг, оғзи ўртача, наги тўғри, малларанг мўйлови калта қирқилган.

Оқ-сарик рангли, енгил калта ип газлама кўйлак, "Варенка" жинсиси кийган. Шинининг чўнтақларидан иккита калит — сариқ металлдан ясалган инглизча ва оқ металлдан ясалган ўйма қулфлар калити топилди.

Алоҳида белгилари: ўнг елкасида татуировка бор — очилаётган парашют, самолёт қанотлари тасвирланган, улар "Осмон хато қилишни кечирмайди" ("Небо ошибок не прощает") деган ёзув билан ўралган.

Ана шу кишининг шахси ҳақида бирор нарса билганларнинг ҳаммасидан Тошкентда 78-40-71, 78-58-40, 78-39-59, 76-75-72, 78-00-95 телефонлари орқали, ақин орада жойлашган милиция бўлимига ёки 02 телефони бўйича хабар қилишларини сўраймиз.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 502, 34.089 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга тошпириш вақти — 19.00. Босишга тошпирилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21. Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.